


УЎК: 398(575.1)

М 31



МАТЯЗОВА НИЛУФАР  
САБИРОВНА

# ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИНИ қиёсий ўрганиш усуллари



Foydalanuvchining kitobini  
qaytarib topshirish muddatini  
belgilab borish

Foydalanuvchi  
a'zolik no'meri

Kitobni  
qaytarish  
muddati


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

МАТЯЗОВА НИЛУФАР САБИРОВНА



ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИНИ  
ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ



“XORAZM YOSHLARI”  
НАШРИЁТ-МАТБАА УЙИ.  
УРГАНЧ – 2021 йил

УЎК 398(575.1)  
КБК 82(5Ў36) М 31  
М 31

Матязова Н. Туркий халқлар фольклорини қиёсий ўрганиш усуллари [Матн] : услубий қўлланма / Н. Матязова.-Урганч: "Хоразм yoshlari" нашриёт-матбаа уйи масъулияти чекланган жамияти, 2021.-52 б.

*Услубий қўлланмада Хоразм воҳасида қадимдан бери бирга яшаб келаётган ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари фольклоридаги айрим жанрлар қиёсий таҳлил этилади. Мақоллар, халқ кўшиқлари ва эртаклардаги умумийлик ҳамда милтий алоҳидаликлар очиб берилади. Шу жараёнда халқлар дўстлиги, биродарлиги зоялари умумлаштирилади. Ушбу халқлар ижодидаги эзгулик, юксак маънавият, одоб ва ахлоқ масалаларининг ўзаро яқинлигига эътибор қаратилади. Рисоладаги материаллардан олий ўқув юртларида ўқитиладиган "Ўзбек фольклори" дарсларида фойдаланиш мумкин.*

*Услубий қўлланмада олий ўқув юртлари филология факультети магистрантлари, талабалари, умумтаълим мактаби ўқитувчилари учун мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**  
**Филология фанлари доктори,**  
**профессор: С.Р.Рўзимбоев**

**Тақризчилар:**  
**ф.ф.д., доц.С.М.Сариев,**  
**ф.ф.д.(PhD) В.Р.Атаханова**  
**(PhD) Н.Собирова**

*Ушбу услубий қўлланма Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг Факультет кенгашининг 2021 йил 24 мартдаги №8-рақамли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-7204-1-1

© Матязова Н.С.  
© "Хоразм yoshlari" нашриёт-матбаа уйи. 2021 йил.

## КИРИШ

Хоразм воҳасида ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари энг қадимдан ҳамкорликда яшаб ҳамиша маданий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқага киришиб, биргаликда турмуш кечириб келганлар. Шу сабабли уларнинг фольклор асарларида мавзу ва ғоя жиҳатидан бир-бирига мос келадиган кўплаб жанрлар мавжуд, уларда халқларнинг орзу-умиди, интилишлари, дўстлик ва биродарлик, юксак маънавият ўзини намоён қилиб туради. "... Бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир"<sup>1</sup>.

Ҳар бир халқ асрий орзу-умидини, тақдирини ҳамиша ўзи билан бирга яшаб келаётган оғзаки адабиётида мужассамлаштириб бой маънавий меросни юзага келтирган.

Энг қадимги даврлардан бошлаб халқлар ўзаро алоқа ва аралашувга киришиб, шодлиги, кайғуси, фикр-ўйларини бир-бири билан ўртоқлашган. Мана шу алоқа ва ўзаро яқинлик уларнинг оғзаки адабиётида ўзининг ўчмас изларини қолдирган. Бу излар бир ҳудудда яшаб келаётган, ҳамда ягона тил тизимига эга бўлган қардош халқлар ижодида айниқса, ёрқин кўринади.

Хоразм воҳасида қадимдан бошлаб турли халқлар биргаликда яшаб келишади. Шу сабабдан ҳам "Хоразм қатор қардош халқлар: ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, тожиклар, қисман қозоқлар маданиятининг манбаидир. Бир қанча республика вилоятларига чегарадош бўлган бу жой аҳолиси кўп тиллилик характерига эга. Бу ерда айтувчи аудиторияга қараб ўзбекча, туркманча ёки бошқа тилда куйлай олади"<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР Президентининг "Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида". 2017 йил 23 июндаги ПҚ 3080-сонли қарори.

<sup>2</sup> Б.Карриев, "Памятники Туркменистана" журналы, 1967, № 3. 27-бет.



Воҳада асрлар мобайнида ҳукм суриб келаётган ушбу хусусият, бу ерда яшовчи халқлар фольклор асарларининг ўзаро алоқага киришувига мустаҳкам замин яратган.

Ушбу халқлар орасида тарқалган фольклор жанрларини кўздан кечирганда учала халқ ижодиёти асарлари орасидаги чамбарчас боғлиқлик, ўзаро ўхшашлик яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, урф-одати билан узвий боғлиқ ҳолда асрлар бўйи шаклланиб келган ўзгачаликлар ва мустақил жанрлар ҳам учрайди. Бу хусусият жанрларнинг ҳар бирини алоҳида тасниф қилганда ҳам ўзини яна бир бор намоён қилади.

Учала халқ фольклори ҳам ниҳоятда ранг-баранг бўлган кўплаб асарлардан иборатдир. Уларни батафсил қиёслаб ўрганиш анча қийинчилик туғдиради. Шу сабабдан биз ушбу ишимизда айрим жанрларнигина тадқиқот объектига киритдик. Ўз навбатида уларни мазмун ва ғоя томондан қиёслашни кўзда тутдик, айти пайтда бадииятдаги умумийликларга ҳам тўхталдик.

## МАҚОЛЛАРНИ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Асрлар давомида халқнинг турмуш тажрибалари асосида чиқарган фалсафий ҳулосалари асосида туғилиб, ҳамиша унинг тилида ва дилидан мангу жой олиб, тобора сайқаллашиб, мукаммаллашиб, бадиий-ғоявий жиҳатдан қиёмига етиб келаётган фольклор жанрларидан бири мақоллардир. Хоразм воҳасидаги ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари мақолларини қиёсий ўрганиш, уларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, ҳар учала халқнинг қадимий маданий-адабий алоқаларининг моҳиятини очиб бериш, шунингдек, уларнинг миллий ўзига хос томонларини кўрсатиб беришда катта аҳамият қозонади.

Мақолларни қиёсий ўрганиш борасида тожик олими Я.Калонтаровнинг "Тожик мақоллари ва уларнинг ўзбекча муқоясаси"<sup>1</sup>. Номли китоби диққатга сазовордир. Муаллиф турмуши, тақдири азалдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўзбек ва тожик халқларининг асрлар оша яратган мақолларини ўзаро қиёс қилиб, уларнинг ҳар икки тилдаги шакллари рус халқи мақоллари билан солиштиради.

Шунингдек, ўзбек ва туркман мақолларининг ўхшаш томонлари ҳақида Сейит Гарриевнинг "Туркман адабиётининг совет шарқи халқларининг адабиётлари билан ўзаро алоқалари тарихидан"<sup>2</sup> номли монграфиясида ҳам анча қизиқарли фикрлар илгари сурилади.

Мақолларнинг мазмуни, материали уни яратган халқнинг яшаётган географик ўрни, машғулот, урф-одатлари, дунёқараши билан мустаҳкам боғлиқдир. Шу билан бирга уларда ўша халқнинг асрлар давомида бошидан кечирган воқеа-ҳодисалари ҳам ўз ифодасини топади.

Хоразм воҳасида ўзбек, туркман ва қорақалпоқ халқлари қадимдан биргаликда яшаб келишади. Уларнинг тарихий тақдири ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Шу боисдан ҳам

<sup>1</sup> Калонтаров Я.И. "Тожик мақоллари ва уларнинг ўзбекча муқоясаси. "Дониш" нашриёти, Душанба, 1969 йил".

<sup>2</sup> Гарриев С. "Туркман эдебиётининг совет гундоғари халқларининг эдебиётлари билан өзара бағланышының тарыхындан", "Ылым" нашриёти, Ашхабад -1967 й.



учала халқ томонидан яратилган фольклор асарларида миллий ўзига хослик билан бирга жуда кўп ўхшашликлар ҳам ўзини намоён қилиб туради.

Шундай мақоллар борки, булар ҳар учала халқ орасида ҳам ўзгаришсиз ҳолда ишлатилади:

*Ҳарекетде – берекет.*<sup>3</sup>

*Ҳарекетте – берекет бар.*<sup>4</sup>

*Ҳаракатда – баракат.*<sup>5</sup>

*Ит уйрер, керван гечер.*<sup>6</sup>

*Ийт урер, каруан көшер.*<sup>7</sup>

*Ит ҳурар – карвон ўтар.*<sup>8</sup>

*Захмет соңы – рахат.*<sup>9</sup>

*Мийнеттиң туби – раҳат.*<sup>10</sup>

*Меҳнатнинг таги – роҳат.*<sup>11</sup>

*Дил ғылычдан йити.*<sup>12</sup>

*Тил қылыштан кескир.*<sup>13</sup>

*Тил – қиличдан ўткир.*<sup>14</sup>

Юқоридаги мақолларнинг ҳар учала халқ орасида муштарак ҳолда ишлатилиши бу халқларнинг турмуш тарзининг бири-бирига нақадар яқинлигидан, жамият ва табиатдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан уларнинг кўз қараши бир хил эканлигидан далолат беради. Бу характердаги мақолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бу мақоллар ўз мазмунини жиҳатдан энг қадимий бўлиб, улар асрлар оша жуда ихчамлашиб, қисқа

<sup>3</sup> “Туркмен накыллары”, ТДН, Ашхабад, 1949, 27-бет.

<sup>4</sup> “Қарақалпақ фольклоры” IV - том “Қарақалпақстан” нашриёти, Нукус, 1978, 24-бет.

<sup>5</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, “Фан”, Тошкент, 1978, 19-бет.

<sup>6</sup> “Туркмен накыллары”, 86-бет.

<sup>7</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 50-бет.

<sup>8</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 157-бет.

<sup>9</sup> “Туркмен накыллары”, 26-бет.

<sup>10</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 25-бет.

<sup>11</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 14-бет.

<sup>12</sup> “Туркмен накыллары”, 51-бет.

<sup>13</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 157-бет.

<sup>14</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 58-бет.

ва ўткир шаклга кириб, учала халқнинг орасида ҳам кенг оммалашиб кетган.

Мақолларнинг айримлари эса шакл жиҳатидан ҳар бир халқда ўзгача берилади, бироқ мазмун жиҳатдан улар бири-бирига жуда ҳамо-ҳанг келади:

*Гужук уйрмани энесинден өврер.*<sup>15</sup>

*Уйда нени көрсең, ушқанда соңы көрерсең.*<sup>16</sup>

*Қуш уясида кўрганини қилар.*<sup>17</sup>

*Не чиш көйсин, не кебап.*<sup>18</sup>

*Қасқырда аштан өлмесин.*

*Қойда ҳарам өлмесин.*<sup>19</sup>

*Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.*<sup>20</sup>

*Дуе ғырда болса-да, ғөзи шорда.*<sup>21</sup>

*Ғаз шөлда журсе-де, көзи көлде болар.*<sup>22</sup>

*Бўрининг кўзи ўрмонда.*<sup>23</sup>

Мисоллардан кўринадики, ҳар бир халқ ҳаёт тажрибалари асосида келиб чиққан доно фикрларини ўз ҳаётий машғулотлари, теваарак-атрофдаги нарса, предмет, табиат ҳодисаларига таққослаган ҳолда турлича шаклларда ифода этади. Зотан, бу фикрларнинг илдизлари кон-қариндош бўлган мазкур халқлар учун муштаракдир. Бу халқларнинг бир тил тизимидаги қардош халқлар оиласига мансуб бўлганликлари, улар энг қадимги замонларда ягона маданий-меросга эга эканликлари нуқтаи назаридан қараганда бундай ўхшашликларнинг бўлиши табиийдир. Шу билан бирга бу халқлар ҳудуд жиҳатдан жуда кенг майдонда яшайдилар, шу сабабдан уларнинг ҳаёт тарзларида умумий томонлар билан биргаликда касб-хунар, урф-одат, ҳаёт машғулотлари жиҳатидан ўзига хос бўлган томонлар ҳам бор. Бу эса ҳар бир

<sup>15</sup> “Туркмен накыллары”, 79-бет.

<sup>16</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 69-бет.

<sup>17</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 173-бет.

<sup>18</sup> “Туркмен накыллары”, 62-бет.

<sup>19</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 60-бет.

<sup>20</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 154-бет.

<sup>21</sup> “Туркмен накыллары”, 82-бет.

<sup>22</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 71-бет.

<sup>23</sup> “Хоразмдан тўпланган мақоллардан”. ЎзССР ФА тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архиви. Инв. 1636.

халқ фольклорида, ўз навбатида ҳар бир халқнинг фақат ўзига хос бўлган мақолларнинг ҳам яратилишига вазият ҳозирлаган. Масалан туркман ва қорақалпоқ халқлари ўзбекларга қараганда кўпроқ кўчманчи ҳаёт кечириб келганлар. Шу билан бирга улар яшаган ҳудудларда кенг яйловлар бўлиб, бу ўз навбатида халқнинг чорвачилик билан машғул бўлишларига имконият яратган. Шу сабабдан бу халқлар фольклорида чорвачиликка оид мақоллар ҳам кўпчилики ташкил этади. Туркман халқи сахро ва чўлларда ҳаёт кечириб келганлиги сабабли улар ҳаётида сигирга қараганда туя кўпроқ роль ўйнаган. Оилани ҳам сут, ҳам жун билан таъминлаган, шу билан бирга асосий транспорт воситаси ҳам туя бўлган. Ана шу боисдан ҳам туркман халқи орасида

*Дуели бай-дунёли бай*<sup>24</sup>

мақоли кенг тарқалган. От эса халқ орасида энг сеvimли, энг қадрли ҳайвон саналади. Туркман халқи энг зотдор, чопқир отларни отиштиришда Ўрта Осиёда машҳурдирлар. Халқнинг бу машғулоти ҳам ўз фольклоридан муносиб ифодасини топган:

*Эртир тур, атаңи гөр, атаңдан соң – атыңи.*<sup>25</sup>

*Ат доклуб – сув семизлик.*

*Ат досты – ата досты.*<sup>26</sup>

*Атың ады улы, дуениң дабаны.*

*Аты ат эдйәнчә әеси ит болар.*<sup>27</sup>

Халқ чорвачилик билан ҳам кенгдан шуғулланганлиги сабабли чорвадорлар ҳаётига оид мақоллар ҳам кўплаб яратилган:

*Чопана мейлис харам.*

*Гойның йуз – гечиң дуз.*

*Гечиң уч – сөзиң пуч.*<sup>28</sup>

Қорақалпоқ халқи ҳам ўтмишда кўчманчи ҳаёт кечирган. Шу жиҳатдан уларнинг турмуш тарзи ҳам туркман халқиникидан

<sup>24</sup> “Туркмен накылыры”, 32-бет.

<sup>25</sup> Ўша китоб, 34-бет.

<sup>26</sup> Ўша китоб, 71-бет.

<sup>27</sup> Ўша китоб 71-бет.

<sup>28</sup> Ўша китоб 98-32-бетлар.

унчалик фарқ қилмаган. Бу фактор иккала халқнинг фольклорида умумийлик салмоғини янада оширади. Қорақалпоқ халқи яратган мақолларда чорвачилик, сахро-чўл ҳаёти жуда катта ўринни эгаллайди.

*Маллыни бети жарық.*

*Ел көрки тал, жайлаў көрки мал.*

*Мал адаммың баўыр ети.*

*Қойлы бай қурлы бай*<sup>29</sup>.

Қорақалпоқ халқи ҳаётида мол чорвачилиги катта ўрин тутди. Шу боисдан ҳам юқоридаги характердаги мақолларни қорақалпоқ фольклорида кўплаб учратиш мумкин. Қорамолчилик мазкур халқнинг турмушига жуда сингиб кетган. Уларнинг айрим, урф-одатлари ҳам чорвачилик билан чамбарчас боғланган. Қорақалпоқларда оилада бирор киши вафот қилса камида уч-тўртта мол ва қўй сўйилади. Илгариги даврларда бунни бажариш ҳар кимнинг қўлидан келавермаган. Қуйидаги мақолнинг яратилиши ҳам бежиз эмас:

*– Өлим қайда барасаң?*

*– Бардың малын шашаман,*

*Жоқтың абыройын ашаман.*<sup>30</sup>

Қорақалпоқлар ҳаётига хос бўлган яна бир хусусият балиқчилик ва овчиликдир. Бу соҳа айниқса, ўтмишда қорақалпоқлар ҳаётида ҳаёт кечиришнинг асосий омили бўлган. Тубандаги мақол бунинг яққол намунаси.

*Уш ай саўыным,*

*Уш ай қаўыным,*

*Уш ай шабағым,*

*Уш ай қабағым.*<sup>31</sup>

Мақол мазмунидан кўринадик, йил фасллариининг ҳар бири тирикчиликнинг бирор соҳасига нисбат берилади. Дехқончилик билан бир қаторда чорвачилик ва балиқчилик ҳам халқ ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

*Тутыб алсаң сазанды,*

*Толтырасан қазанды.*

*Төри алтынды излесең, дарьяға бар.*

<sup>29</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 52-55-41-бетлар.

<sup>30</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 59-бет.

<sup>31</sup> Ўша китобда, 218-бет.

*Шөл жағалаб қонбай,*

*Көл жағалаб қон.*<sup>32</sup>

каби мақолларнинг заминида катта ҳаёт ҳақиқати ётади. Негаки, феодализм тузум даврида халқнинг моддий аҳволи ҳаддан ташқари аянчли эди. Дехқончилик ҳаддан ташқари оддий характерда бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан жуда паст унум олинар эди. Оч-қашшоқ омманинг тирикчилигида ўша даврда чорвачилик, балиқчилик ва овчиликнинг қай даражада аҳамиятли эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Айрим мақоллар борки, уларни қайси бир халқ яратганини аниқлаш жуда қийин. Туркменистонлик профессор Сейит Гарриев бу борада қуйидаги ўзбек мақолларини мисол келтиради:

*Киши юртида шоҳ бўлгунча,  
Ўз юртингда гадо бўл.*

*Билаги зўр бирни йиқар,*

*Билими зўр мингни йиқар.*

ва шундай ёзади: “Юқорида мисол тариқасида келтирилган ўзбек мақоллари деярлик шу кўринишда туркманлар орасида ҳам жуда машҳурдир. Туркман меҳнаткашлари ўз турмушида бу мақолларга ҳамиша дуч келадилар, улардан хулоса чиқариб, ўз кундалик турмушларида фойдаланадилар. Бу ерда шу типдаги туркман мақолларидан мисол келтиришнинг ҳожати йўқ, сабаби улар ўз мазмуни ва шакли жиҳатидан юқоридаги ўзбек мақолларидан унчалик фарқ қилмайди”<sup>33</sup>.

Ҳозирда ишлатилиб келаётган аксарият мақоллар туркий халқларнинг қадимги умумий маданиятига тегишли бўлганлиги сабабли юқоридаги ўхшашликнинг бўлиши табиийдир.

XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий “Девону луғатит турк” асарида туркий халқларнинг жуда кўп мақолларини келтирган. Бу мақоллар фақат XI асрагина эмас, балки ундан

<sup>32</sup> Ўша китобда. 63-65-бетлар.

<sup>33</sup> С.Гарриев. “Туркмен эдебиятының совет гундогары халқлариниң, эдебиятлары билен өзара бағланышығынын тарыхындан”, “Ылым” нашриёти, Ашхабад -1967, 125-бет.  
(таржима —бизники —Р.С.)

ҳам олдинги даврларга тегишлидир. Агар девондаги мақолларга разм солсак, уларнинг аксарияти ҳозирда ҳам туркий халқларнинг фольклорида деярли ўзгаришсиз ҳолда ишлатилишига гувоҳ бўламиз.

“Девону луғатит турк” асаридаги мақолларнинг айримлари ҳозирги мақоллар билан мазмун жиҳатидан тўғри келса, айримлари ўзгаришсиз ҳолда учрайди.

Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин:

**Девонда:**

*Икки қўчқор боши бир қозонда пишмас.*<sup>34</sup>

**Туркманчада:**

*Ики гочың келлеси бир газанда гайнамаз.*<sup>35</sup>

**Қорақалпоқчада:**

*Еки қошқардың басы бир қазанда тиспейды.*<sup>36</sup>

**Ўзбекчада:**

*Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.*<sup>37</sup>

**Девонда:**

*“Киши сўзлашиб, тилки ҳидлашиб”*<sup>38</sup>.

**Туркманчада:**

*Ат кишнешиб, адам сөзлешип тапышар.*<sup>39</sup>

**Қорақалпоқчада:**

*Адам сойлешкенше, мал мөңирескенше.*<sup>40</sup>

**Ўзбекчада:**

*От кишнашиб топышар, одам-эслашиб.*<sup>41</sup>

“Девону луғатит турк” асаридаги мақоллар билан туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг маданияти энг қадимги даврлардан бошлаб биргаликда тараққий этиб келаётганини яна бир қарра исботлайди. Бинобарин, туркман, қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг асрлар бўйи биргаликда яшаб келишганлиги ва ягона қадимий маданиятга эга эканлиги

<sup>34</sup> А.Қаюмов. “Қадимият обидалари”. Ғ.Ғулом номли нашриёт. Тошкент. 1972, 53-бет.

<sup>35</sup> “Туркмен накыллары”, 85-бет.

<sup>36</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 258-бет.

<sup>37</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 156-бет.

<sup>38</sup> А.Қаюмов. “Қадимият обидалари”, 45-бет.

<sup>39</sup> “Туркмен накыллары”, 56-бет.

<sup>40</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, 56-бет.

<sup>41</sup> “Ўзбек халқ мақоллари”, 85-бет.



натижасида улар орасида шакл ва мазмун жиҳатидан фарқ қилмайдиган кўплаб халқ мақоллари тарқалган. Шу билан бирга ҳар бир халқ ўзининг миллий хусусиятларига, иккинчи халқдан фарқ қилувчи ҳаётий машғулотларига эга. Бу хусусиятлар эса ўз навбатида унинг фольклорида акс этади ва бошқа халқларда учрамайдиган, ўзига хос мақолларнинг майдонга келишига имконият яратади. Айрим мақолларнинг мазмуни ҳар учала, халқда бир хил бўлиб, шакл жиҳатдан фарқ қилишига сабаб шундаки, бу халқларнинг яшаш тарзлари, урф-одатлари, ҳаёт ва табиатга муносабатларида аксарият ҳолларда бир хиллик мавжуд. Шу сабабдан фикрларнинг бир хиллиги келиб чиқади ва улар турли жойларда пайдо бўлганлиги сабабли, турлича шаклларга эга бўлади.

Шундай қилиб, туркман, қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг фольклоридаги бу уйғунлик, муштараклик уларнинг қадимий дўстлигидан, иқтисодий-маданий ҳамкорлигининг азалдан мустаҳкам эканлигидан дарак беради.

### ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДАГИ УМУМИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ АЛОҲИДАЛИКЛАР

Халқ маданий меросининг энг фаол турларидан бири қўшиқлар бўлиб, улар ҳамиша меҳнаткаш омма ҳаётининг яқин йўлдоши сифатида яшаб келади. Улар таркибидаги ҳар бир ибора, ҳам бир далил ҳам тарихларда таъкидланмаган воқеаларни эсга солади, уларнинг ҳақиқий моҳиятини тиклашга ёрдам беради, омманинг мавжуд ижтимоий тузумга бўлган ҳақиқий муносабатини, орзу-умидларини, воқеа-ҳодисаларга нисбатан бўлган эстетик қарашларини ифода этади.

Халқ қўшиқлари ўзи яратилган даврнинг акссадоси бўлганлигидан унда халқнинг аҳволи, руҳи, фикр-ўйлари, яшаш тарзлари бошқа жанрлардагига қараганда бир мунча фаол ва аниқ акс этади.

Феодализм даврида яратилган қўшиқларда ўзаро яқин мотивлар кўзга ташланади. Бу қўшиқларда халқнинг

қашшоқлиги ва хўрланганлиги, хон зулмининг ниҳоятда кучайганлиги аламли мисраларда ифода этилади:

*Исфандиёр хон бўлди,*

*Бағримиз қора қон бўлди.*

*Азроилдан кам эмас,*

*Олажағи жон бўлди.*<sup>42</sup>

Хон зулмидан “бағри қон” бўлган халқ ўз қўшиқларида меҳнаткашларнинг қонини сўрган Хива хони Исфандиёрни лаънатлайди. Худди ушбу типдаги қўшиқлар қорақалпоқ фольклорида ҳам анчани ташкил этади. Уларда ҳам мамлакат ҳукмдори, хон ва беклар лаънатланади:

*Хийўда залым хан болды,*

*Баўрымыз куйи қан болды,*

*Жегенимиз шигит нан болды,*

*Теңликсиз арманлы кеттим.*<sup>43</sup>

Феодализм даврида хотин-қизлар ҳаёти айниқса, аянчли эди. Халқ қўшиқларининг асосий ижодкорлари хотин-қизлар бўлганлигидан уларнинг турли кечинмаларини ифода этадиган қўшиқлар жуда кўплаб тарқалган. Уларда замонанинг азоб-уқубатлари, хўрланган муҳаббат изтироблари баён этилади. Шундай типдаги қўшиқлардан бири “Сўлди армонли” қўшиғидир. Бу қўшиқда ўз севганидан зўравонлик билан ажратилиб, қари чолга сотилган муштипар аёл қалбининг аламли нидолари ўз ифодасини топган:

*Ота-онам берди мени бир ётга,*

*Қўлимдан тутишиб урдилар ўтга,*

*Бориб айтинг дойим ўғли – Муротга,*

*Мен бир қизил гулман, сўлдим армонли.*<sup>44</sup>

**Қорақалпоқчада:**

*Ата-онам берди мени бир жатқа,*

*Қолдан ушлап салды лаўлаган отқа,*

*Мен сорды жылатып жетти “Муратка”,*

*Мен нәйлейин, өмирим өтти арманлы.*<sup>45</sup>

<sup>42</sup> “Хоразм халқ қўшиқлари”, “Фан”, Тошкент. – 1965, 31-бет.

<sup>43</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, V-том, “Қарақалпоқстан”, Нукус, 1980, 198-бет.

<sup>44</sup> “Хоразм халқ қўшиқлари”, “Фан”, Тошкент. – 1965, 42-бет.

<sup>45</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, V-том, “Қарақалпоқстан”, Нукус, 1980. –Б. 193.

### Туркманчада:

*Атам-энем мени берди бир яда,  
Голумдан тутдулар, урдулар ода,  
Барып айдың агам оглы Мырада,  
Мен бир гызыл гулдум, солдум арманлы.*<sup>46</sup>

Бу тўртликда лирик қахрамоннинг ўз ота-онасининг раҳмсизлигидан чеккан жафоси, норозилиги акс этса, кўшиқнинг қуйидаги тўртлигида воқеа янада ривожлантирилади. Ушбу хўрликларни қўллаб-қувватлайдиган кишиларнинг номаъкул қилмишлари баён этилади, лирик қахрамон унга никоҳ қийган муллани бор нафрати билан қарғайди. Бахтсизлигининг асосий сабабини унинг қилмишларига боғлайди:

*Ота-онам қасд этдилар жсонимга,  
Никоҳ қилган мулло қолди қонимга,  
Бориб айтинг, дўстлар, севар ёримга,  
Мен бир қизил гулман, сўлдим армонли.*<sup>47</sup>

### Қорақалпоқчада:

*Ата-анам қарамады ҳалыма,  
Неке қыйған молла қалды қаныма,  
Аўзы жунли “гуржи” келды жаныма,  
Қызыл гулдей едим, солдым арманлы.*<sup>48</sup>

### Туркманчада:

*Атам-энем каст этдилар жаныма,  
Ника гыян Молла галсын ганыма,  
Агзы гылли тазы гелди яныма,  
Мен бир гызыл гулдум, солдум арманлы.*<sup>49</sup>

Отаси тенги қари чолга тегишдан ўлимни афзал кўрган аламдийда аёл. Уни хотинликка пул бараварига сотиб олган чолни эса у “ит” ўрнида қабул қилади. Унинг чолга бўлган ғазаб-нафрати айниқса, тўртликнинг туркман ва қорақалпоқ вариантларида кучли намоён бўлган.

Кўшиқнинг навбатдаги мисраларида фикр янада ривожлантирилади. Лирик қахрамон кўшиқда фақат тақдирдан нолиб, айбдорларни қарғабгина қолмасдан, ўзининг инсон эканлигини қатъий равишда таъкидлайди:

*Қўй эмасдим қассобларга сотмоққа,  
Товуқмасдим бўйним узиб отмоққа,  
Тенгиммасдир дўлонишиб ётмоққа,  
Мен бир қизил гулман, сўлдим армонли.*<sup>50</sup>

### Қорақалпоқчада:

*Қой емаспен, қассапларга сатпага,  
Қус эмеспен, мерген гөзлеп атпага,  
Адам емес ойнап-кулип жатпага,  
Бир қизил гул едим, солдым арманлы.*<sup>51</sup>

### Туркманчада:

*Гоюн дэлдир гассаплара сатмага,  
Товуг дэлдир бойнун узун атмага,  
Йигит дэлдир чолашыбан ятмага,  
Мен бир гызыл гулдум, солдум армонли.*<sup>52</sup>

Ҳар учала тўртликка ҳам хос бўлган хусусият шуки, жабру жафоларга гирифтор қилинган, хўрланган, инсоний севгиси топталган аёл ўзининг инсон эканлигини таъкидлар экан, бу билан уни шу аҳволга солган кимсаларнинг нақадар тубан кишилар эканлигини яна бир бор исбот қилади. Бу ерда унинг ўзига инсон сифатида қарашларини кишилардан талаб қилиши, инсоний ҳуқуқ учун курашнинг ёрқин бир кўринишидир.

Бу парчада ўзбек ва туркман вариантлари бир-бирига деярлик айнан тўғри келади. Қорақалпоқ вариантыда эса айрим деталлар ўзгартирилган. Жумладан, “Қус емеспен, мерген гөзлеп атпага” ибораси қорақалпоқ халқининг турмуш тарзига ниҳоятда мос танланган. Негаки, қорақалпоқ халқининг мазкур даврдаги ҳаёти овчилик касби билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, “Товуқмасдим бўйним узиб отмоққа” иборасига қараганда ушбу танланган ибора миллий колоритни тўла ва ёрқинроқ ифода этиб бера олади.

<sup>46</sup> “Чемен”, “Туркмандавнашр”, Ашгабат, 1962, 148-бет.

<sup>47</sup> “Хоразм халқ кўшиқлари”, 42-бет.

<sup>48</sup> “Қарақалпоқ фольклоры” V –том, “Қарақалпоқстан”, Нукус, 1980, 193-бет.

<sup>49</sup> “Чемен”, 148-бет.

<sup>50</sup> “Хоразм халқ кўшиқлари”, 42-бет.

<sup>51</sup> “Қарақалпоқ фольклоры”, V том, 194-бет.

<sup>52</sup> “Чемен”, 149-бет.

<sup>46</sup> “Чемен”, “Туркмандавнашр”, Ашгабат, 1962, 148-бет.

<sup>47</sup> “Хоразм халқ кўшиқлари”, 42-бет.

<sup>48</sup> “Қарақалпоқ фольклоры” V –том, “Қарақалпоқстан”, Нукус, 1980, 193-бет.

<sup>49</sup> “Чемен”, 148-бет.

Ушбу кўшиқ қайси бир халқ ижодкори томонидан яратилганлигидан қатъий назар, ягона қисматга эга бўлган ўзбек, туркман ва қорақалпоқ хотин-қизларининг феодализм даврдаги ҳаётини реал картиналарда акс эттирганлиги сабабли учала халқ орасида ҳам жуда кенг оммалашган.

Халқ кўшиқларидаги яқинликни тўй-маросим ва болалар кўшиқлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбеклар, қорақалпоқ ва туркманлар аралаш яшайдиган Хоразм воҳасида тўй ва сайлларда ушбу халқларнинг вакиллари ҳамиша биргаликда иштирок қилишади. Бир-бирига қиз бериб, қиз олишади. Шу сабабдан бўлса керакки, бир хил мазмун ва шаклга эга бўлган тўй-маросим кўшиқлари ушбу халқлар орасида кўплаб учрайди. Айниқса, келин тушириш тўйларида айтиладиган “Ёр-ёрлар бунга мисол бўла олади:

*Шилдир-шилдир қамишга*

*Сирғам тушди, ёр-ёр,*

*Танимаган йигитга*

*Синглим тушди, ёр-ёр.*<sup>53</sup>

**Қорақалпоқчада:**

*Сылдыр-сылдыр қамысқа,*

*Сыргам тусту, яр-яр.*

*Сыр билмеген жат елге,*

*Анам тусту, яр-яр.*<sup>54</sup>

**Туркманчада:**

*Шалдыр-шулдыр гамыша*

*Сыргам душди, яр-яр.*

*Сынлашмадык йигиде*

*Синдим душди, яр-яр.*

Асосан ўзбеклар орасида машҳур бўлган кўшиқ турларидан бири бўлган “Ёр-ёр”лар туркман ва қорақалпоқларнинг ўзбеклар билан ёнма-ён бўлган туманларида кўпроқ ёйилган. Қорақалпоқларнинг шимолий минтақаларида эса ўзига хос бўлган бошқа турдаги тўй-маросим кўшиқлари тарқалган

<sup>53</sup> “Хоразм халқ кўшиқлари”, 92-бет.

<sup>54</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, V том, 121-бет.

бўлиб, улар “Хэў, жар” деб юритилади. Бу кўшиқлар ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан “Ёр-ёр”ларга жуда яқин туради:

*Кететугын сиңлимди,*

*Ким согити, хэў, жар?*

*Жылама сыңлим, жылама,*

*Той сеники, хэў, жар.*<sup>55</sup>

Туркмен фольклорида ҳам ушбу кўшиқларга яқин бўлган ўзига хос тўй кўшиқлари бўлиб, улар “Лееран” деб юритилади.

*Төрде дуран халының*

*Бир гулудим, лееран.*

*Атам билен энемиң*

*Бир гулудим, лееран.*<sup>56</sup>

Қорақалпоқ халқ кўшиқларининг орасида болаларга хос яратилганлари ҳам каттагина салмоққа эга бўлиб, уларнинг аксариятида ўзбек болалар кўшиқлари билан ҳар томонлама яқинлик бор.

Хоразмда “Туялар”, “Осмонда ой ўйнайди”, “Сырға, сырға билагузук”, “Тепдим сандиқ очилди” каби болалар орасида севиб айтиладиган кўшиқлар бор. Худди шу мазмундаги кўшиқлар қорақалпоқ фольклорида ҳам машҳурдир. Бу кўшиқлар тузилишига қараганда, бир вақтлар анча катта ҳажмда бўлганлиги сезилади. Улар маълум бир сюжет чизиғига эга. Лекин ҳозирда уларнинг тўла варианты иккала халқ орасида ҳам учрамайди. Натижада бу кўшиқ парчаларига ҳар бир халқ ўзича янги мисраларни, баъзан янги эпизодларни қўшган. Масалан, Хоразмда ёйилган “Туялар” ва “Тепдим сандиқ очилди” кўшиқлари қорақалпоқ вариантыда бирга қўшиб юборилган. Уларга ҳар бир халқ ўз касби-кори ва турмуши билан боғлиқ бўлган нарса, ҳодисаларни киритган, Масалан:

– *Туялар-о, туялар,*


*Уйинг қайда, туялар?*

– *Уйим бозор бошинда,*

*Олтин эгар қошинда.*

<sup>55</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, V –том, 121-бет.

<sup>56</sup> Чечен, 145-бет.





– Бувам айтди, хуй, деди,  
Темир тўнинг кий, деди...

**Қорақалпоқчада:**

– Ҳа туйелер, туйелер,  
Дузың қайда туйелер?

– Балқан таўдың басында,  
Балық ойнар тусында.

Жемип кеттим жемиске,  
Жемисим жерге төгилди...<sup>57</sup>

Кўринадики, ўзбекчада “бозор боши”, “олтин эгар” каби жой ва предметлар ҳақида сўз юритилса, қорақалпоқ вариантыда мазкур халқнинг турмуши, яшаш ўрни илан боғлиқ бўлган “балқан таў”, “балық” кабилар тилга олинади.

Бундан ташқари, Хоразм ўзбеклари орасида тарқалган айрим қўшиқлар қорақалпоқ фольклорида бошқа бир маънога эга бўлган ҳолда ўзига хос мустақил қўшиқлар тарзида гавдаланади. Шулардан бири “Тулкишек” қўшиғидир. Бу қўшиқнинг қорақалпоқ варианты ҳар томонлама қизиқарли, равон ва самимий чиққан. Ўзбекчада мазкур қўшиқ қуйидагича бошланади:

Сирга-сирга билазук,  
Ўн алимда ўн юзук,  
Тепдим, сандиқ очилди,  
Тангаларим сочилди.  
Отам келди, ҳай, деди,  
Атлас тўнни кий, деди,  
Пилта тўнни тор, деди,  
Оқсаройга бор, деди.  
Оқ саройнинг неси бор?  
Учар-учар қуши бор.  
Учди, кетди ҳавога  
Бориб тушди дарёга.  
Дарё сувин қурибди,  
Балиқларин чиритди...

<sup>57</sup> Қарақалпоқ фольклори, V том, 261-бет.

Қорақалпоқ халқи орасида ушбу қўшиқнинг “Тулкишек” номи билан тарқалган варианты бўлиб, унда ўзбекча қўшиқда қатнашмайдиган тулки, эчки, ит, сичқон каби ҳайвонлар иштирок этишади, натижада қўшиқ анча кенгайган, саргузашт кўпайган, қизиқарли ва ўқимишли чиққан:

– Ҳа тулкишек, тулкишек,

Тунде қайда барасаң?

– Мамаммың уйине бараман.

– Мамаң саған не берер?

– Ешки саўып сут берер...

Қўшиқ шу тариқа бошланиб, кейин улоқ ҳақида, ит ҳақида сўз юритилиб, улар билан савол-жавоб қилинади. Қўшиқнинг ушбу эпизодлардан сўнгги қисми эса ўзбекча вариант билан ўхшаш келади:

– Ийт аўзынан аламан,

Батый ханга бараман,

– Батыханның неси бар?

Ушар-ушар қусы бар.

Ушыб кетти хаўага,

Қайтып тусту дарьяга.

Дарья суўын қурытты,

Ақ шабағын ширитти.

Еки байдың журтында,

Еки тышқан урысты.

(“Қарақалпоқ фольклори”, V том, 262-бет.)

Қорақалпоқ ва ўзбек фольклорида кенг ёйилган бу типдаги қўшиқлар маълум сюжетга эга бўлган шеърӣй эртақларнинг ўзига хос бир кўринишидир. Ушбу қўшиқларнинг қадимий вариантлари тўла равишда сақланмаган бўлса-да, ҳозирги матнлари ҳам соддалиги, ўйноқилиги, тез эсда қолиш хусусиятига эга бўлиши билан характерлидир. Бу қўшиқларнинг ҳозиргача етиб келишлари, турли эпизодлар билан бойиши ва оммалашишида ҳар иккала халқнинг талантли ижод аҳлининг муносиб ҳиссалари бор.

Қадимдан бир элат, бир маҳалла бўлиб, яшаб келаётган ўзбек қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг ёш фарзандлари бу



қўшиқларни азалдан севиб куйлаб, уларнинг завқини суриб келади. Бинобарин, учала халқ орасида ҳам машҳур бўлган бу типдаги қўшиқлар шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда ҳам яқин бўлиб, улар Хоразм воҳасидаги барча халқлар учун ҳам чексиз завқ-шавқ манбаи бўлиб хизмат қила олади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган қўшиқларда фашистларнинг ёвузликлари асосан Гитлер номи билан боғлиқ ҳолда берилади. Шу сабабдан ҳам унинг номи айниқса, кўп лаънатланади. У қайси бир халқ фольклорига назар солинса ҳам ҳайвонга, одамсифат махлуққа ёки ақлдан озган жиннига тенглаштирилади:

*Гитлер дегани бўри*

*Йиртқичнинг дили эгри.*

*Қон ялаган бўрининг*

*Қора ер бўлар гўри.* (“Хоразм халқ қўшиқлари”, 111-бет.)

**Қорақалпоқларда:**

*Киси өлтирмай турмаган,*

*Адамның жанын урлаган,*

*Өзи мақлуқ, бир ладан,*

*Буны тапқан мийли адам.*

*— Ол ким?*

*— Гитлер!*

(“Қарақалпақ фольклоры”, V том, 451-бет).

**Туркманларда:**

*Гелиң, гелинлер, гызлар,*

*Билелешип ишлелиң!*

*Пәли азан Гитлери*

*Найза билен чишлелиң.* (“Чемен”, 97-бет.)

Урушдан кейинги даврларда яратилган қўшиқлар ҳам тематик жиҳатдан бир-бирига жуда яқинликка эга. Бу ҳол давримиз воқеаларининг барча халқлар онгига тенг етиб бориши, миллий маданиятнинг қарор топганлиги, кишиларнинг яшаш тарзи умумий даражада ўсиб, ривожланиб бораётганлигининг натижасидир.

Ўзбек туркман ва қорақалпоқ халқ қўшиқларида ишлатиладиган тасвир воситалари, параллелизмлар, нарса-

предмет, топонимик номлар ҳам бир-бирига ўхшаш тарзда берилади. Бу ҳол эса ўз навбатида қўшиқларнинг композицион қурилишининг ҳам ўзаро яқинлашишига олиб келган.

Хоразмда ёйилган халқ қўшиқларида ишлатиладиган стилистик формулалар қорақалпоқ қўшиқларида ҳам унумли ишлатилади:

*Қизил гул экканнинг хирмони бўлмас,*  
*Яхши ёр тутганның армони бўлмас...*<sup>62</sup>

(“Хоразм халқ қўшиқлари”, 51-бет.)

**Қорақалпоқчада:**

*Қызыл гул эккениң қырманы болмас*

*Жақсы яр тутганның арманы болмас.*<sup>63</sup>

(“Қарақалпақ фольклоры”, V том, 139-бет.)

Бу стилистик ибора ишлатилгандан кейинги мисралар ҳар бир халқ ижодида бир-биридан мутлақо фарқланади. Баъзи ҳолларда эса тўрт мисранинг асосан бир хилда келиши ҳоллари ҳам учрайди.

Мисраларда мазмун ўзгармасдан фақат айрим сўзлар алмаштирилади:

*У кўринган теракмикан, толмикан?*

*Соясинда ётган бизнинг ёрмикан?*

*Соясинда ётган бизнинг ёр бўлса,*

*Ўйнаб-қулиб юрар кунлар бормикан?*

(“Хоразм халқ қўшиқлари”, 43-бет.)

**Қорақалпоқчада:**

*Анаў турган алмамекен, нармекен,*

*Саясында турган сәвер ярмекен?*

*Саясында турган сәвер яр болса,*

*Екеўмизди қосар кунлар бармекен?*

(“Қарақалпақ фольклоры”, V том, 285-бет.)

Тўртликдан кўринадики, учинчи мисранинг шарт маъносида такрорланиши, тўртинчи мисрада эса унга жавоб берилиши, яъни тўртликнинг композицион қурилиши ҳам ҳар иккала қўшиқ учун муштаракдир. Қорақалпоқ халқ

<sup>62</sup> “Хоразм халқ қўшиқлари”, 51-бет.

<sup>63</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, V том, 139-бет.

қўшиқларида ишлатиладиган тасвир воситаларининг ҳам аксарияти ўзбек халқ қўшиқларидаги бадий ифодалар билан умумийлик касб этади. Масалан, “Он төрт кунлик айдай”, (Ўша китоб, 301-бет.) “Алма каби қызыл жузли”, “Қалам қаслы, қора көзли”, “Қыс кунлеримди жаз еткен” (Ўша китоб, 132-бет.) каби ифода воситалари икки халқнинг ижодида ҳам жуда кенг ишлатилади. Халқлар ижодидаги бу яқин алоқа натижасида бир тилдан иккинчисига айрим сўзлар ҳам ўтиб, халқ лексикасидан мустақкам ўрин эгаллаган. Қуйидаги парчада ишлатилган “чиқон” сўзи Хоразм шеvasигагина хос бўлиб, у ўзбек адабий тилида “дугона” маъносини, қорақалпоқчада эса “қурдас” маъносини беради. Лекин қўшиқ орқали бу сўз қорақалпоқ тилига ҳам ўтиб, сингишиб кетган:

*Шықанжан-шықанжан, өлип бараман,*

*Бир даста гул едим солып бараман...*

(“Қарақалпақ фольклоры”, V том, 177-бет.)

Худди шундай хусусиятни туркман халқ қўшиқларида ҳам кузатиш мумкин. Ўзбек ва қорақалпоқ қўшиқларида ишлатиладиган тайёр стилистик қаторлар айрим ўзгаришлар билан, баъзан эса ўзгаришсиз ҳолда туркман халқ қўшиқларида ҳам ишлатилади:

**Туркманчада:**

*Ишигимизиң агзы гулли ёрунжа,*

*Гулуне душундир сары гарынжа...* (“Чемен”, 155-бет.)

**Ўзбекчада:**

*Эшигиниңни ўнги гулли йўринжа,*

*Қора бағрим қон бўлибди ўринча...*

(ЎзР ФА ТАИ фольклор бўлими архиви инв. 1636, Ит. 125-бет.)

**Туркманчада:**

*Учеге чыкардым шалы сермәге,*

*Шалы баханалы яры гөрмәге...* (“Чемен”, 156-бет.)

**Ўзбекчада:**

*Учакка чиқвадим ойни кўрмакка,*

*Ойнинг баҳонаси ёрни кўрмакка....*

(“Хоразм халқ қўшиқлари”, 86-бет.)

Ҳар учала халқ қўшиқларига тегишли бўлган бу умумий хусусиятлар жуда ҳам узоқ даврларнинг маҳсули сифатида юзага келгандир.

Туркман ва Хоразм ўзбеклари орасида тарқалган дostonлар, қўшиқлар ҳамда бошқа жанрлар бир-бири билан алоқага киришиши жиҳатидан қорақалпоқ фольклори билан алоқанинг бошланишига қараганда анча қадимийликка эга. Шу сабабдан ҳам улар орасидаги ўхшашликларнинг диапозони бир мунча кенгрок. Бунинг асосий сабабларидан бири шу ердаки, қорақалпоқлар туркманларга қараганда Хоразм воҳасига анча кейинрок келиб ўрнашган. Лекин шунга қарамасдан, ўзбек ва қорақалпоқ фольклори асарларидаги алоқа ва таъсир ҳам анчагина катта кўламни ташкил этади. Айниқса, қўшиқ жанри алоқаси ҳар томонлама кенг ва фаолдир.

Қорақалпоқ халқ поэзиясининг қадимий шаклларида бандлар ва қофиялар маълум бир тартиб асосида такрорланмайди, балки улар эркин ҳолда жипслашишади. Бу жиҳатдан улар шарқий ўзбек халқ поэзияси билан яқин келади. Қорақалпоқ поэзиясидаги бу хусусиятлар айрим қўшиқларда, асосан дoston жанрида сақланиб қолган. “Алпомиш”, “Шаҳриёр”, “Қирққиз”, “Қурбонбек” каби дostonлардаги шеърий парчалар бунга яққол мисол бўла олади. Шуниси характерлики, халқ шеъриятида бу хусусият халқ қўшиқларида ўзини анча кам сақлаб қолган. Қорақалпоқ халқ қўшиқларининг аксарияти туркман ва Хоразм ўзбеклари орасида ёйилган шеърий шакллар асосида яратилган. Бу воҳада тарқалган қўшиқлар асосан *а, а, а, б* тарзида қофиялашади, бандлар ҳам қофиялар ҳам қатъий тартиб асосида жипслашадилар.

Халқ қўшиқлари дostonларга қараганда тез яратилади ва тез тарқалади. Дostonларни бир халқдан иккинчисига фақат талантли кишилар, профессионал бахшиларгина олиб ўтиши мумкин. Қўшиқлар эса истаган бир киши воситасида бир халқ орасидан иккинчи бир халқ орасига тарқалиши мумкин. Шу жиҳатдан бўлса керакки, қорақалпоқ халқ қўшиқлари шакл ва

мазмун томонидан туркман ва Хоразм ўзбеклари орасида яшаб келаётган халқ шеърлати шакллариға ҳамда уларда куйланаётган мотивларға дoston жанриға қараганда ниҳоятда кўп яқинлик касб этган. Қорақалпоқларнинг эпосларидаги шеърлий шакллар кўпроқ тўй-маросим кўшиқларида сақланиб қолган. Чунки кўшиқларнинг бу тури жуда қадимий ва халқнинг урф-одатлари билан яқиндан боғлиқдир. Қорақалпоқ халқ кўшиқларининг “Той баслар”, “Айтымал”, “Айтыс”, “Ҳаўжар”, “Бет ашар” каби турлари бунга мисол бўла олади. Туркман халқ кўшиқлари ва Хоразм ўзбеклари орасида ёйилган кўшиқ турлари орасида қорақалпоқ халқ орасида тарқалган ушбу қадимий кўшиқларға шакл жиҳатдан айнан ўхшаш келадиган кўшиқ турларини учратиш кийин.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ кўшиқларининг қардош халқларнинг кўшиқлари билан ўзаро алоқаси ва уларнинг бир-бириға таъсирининг дoston жанри алоқасиға қараганда ниҳоятда яқинлиги кўшиқ жанрининг ички моҳиятидан келиб чиқади.

Ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқ кўшиқлари ушбу халқларнинг ўзаро иқтисодий-маданий алоқалари натижасида муштарак шакллар ва мотивларға эға бўлган ҳолда ёйилган бўлсалар-да, ҳар бир халқнинг кўшиқларида ўзига хос шакллар ва ўша халқнинг миллий характери, урф-одатини очиб берадиган ўзига хос мотивлар, ифода воситалари ҳам мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар асосан анъанавий кўшиқларда кўпроқ кўзға ташланади. Бинобарин, халқ кўшиқларидаги ўзаро яқинлик қай даражада бўлишидан қатъий назар, уларда ўз яратувчисининг диди, дунёқараши, урф-одати, миллий характер-хусусияти ўзини яққол намоён қилиб туради.

## ЭРТАКЛАРДАГИ ЎХШАШЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Фольклор жанрларининг бой ва ранг-баранг тармоқларидан бири бўлган эртақлар халқ дунёқарашини, фикр-ўйларини, урф-одатлари, ички психологиясини ва реал борлиққа бўлган муносабатини бир мунча кенг ва атрофлича акс этдириш хусусиятиға эға. Шу билан бирға уларда романтик ҳиссиёт, уйдирма, сеҳр ва жоду бошқа жанрлардагиға нисбатан анча кучли ўрин эгаллайди. Эртақлар ҳам кўшиқлар каби бир халқдан иккинчи халқ орасиға тезроқ ёйилиш хусусиятиға эға. Негаки, эртақ айтиш дoston куйлашдагидек махсус бир профессионал тайёргарликни талаб қилмайди. Шу билан бирға эртақ айтувчиларнинг талант ва қобилияти уларда албатта, ўз изини қолдиради. Айниқса, эртақларнинг бир халқ ижодидан иккинчи бир халқ ижодига ўтишида уларнинг талантли эртақ айтувчи шахсларнинг ижодий лабораториясида қайта ишланиши катта аҳамиятға эға бўлиб, бу лабораториядан ўтган эртақлар ўзгача жило, ўзгача ифода воситалари ва айрим ўзгача эпизодларға эға бўлган ҳолда ўзига хослик ва ранг-баранглик касб этиб, ўша халқ орасида ўзининг иккинчи умрини бошлайди.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасида машҳур бўлган аксарият эртақлар фақат мазмун жиҳатидангина эмас, балки образлар системаси, ифода воситалари билан ҳам бир-бириға ҳар тарафлама яқин туради. Шу билан бирға улар ўзига хос бўлган миллий колоритнинг бўртиб туриши хусусиятидан ҳам холи эмас, албатта.

Уч халқ орасида тарқалган барча эртақларни қиёслаш ва улар ўртасидаги алоқа ва таъсир масалаларини ёритиш катта ва кенг кўламли тадқиқотни талаб қилади. Биз ушбу ишимизда эса бу масаланинг айрим томонларини қамраб олишни мақсад қилиб қўйдик холос.

Бир халқдан иккинчи халқ ижодига ўтиб, кенг ёйилган эртақнинг машҳурлик касб этиши ва ўша халқнинг мулкиға айланиб қолиши ҳарқандай тасодифийликлардан холидир. Негаки, эртақ ўз мазмуни, ғояси ва образлари ташийдиган



олийжанобликлари билан иккинчи бир халқ орзу-умидлари, интилишларига ҳам мос кела олгандагина, унинг дилидаги фикр-ўйларига ҳамоҳанг келгандагина ўзга бир халқ оммаси орасига кенг ёйилиб, машҳурлик касб этиши, пировардида ўша халқнинг маънавий мулкига айланиб қолиши мумкин.

Ўзбек ва қорақалпоқлар яқин ҳудудда бирга ҳаёт кечирганликлари сабабли, бир халқ ичида тарқалган эртақлар иккинчи халқнинг дидига ҳам томонлама мос кела олиши имкониятларига эгадир. Бу эса уларнинг турмуш тарзидаги кўпгина ўхшашликлар ва бу ўхшашликлар натижасида келиб чиқадиган орзу-умидлар билан боғлиқдир.

Етимлик ва етимнинг бахти ҳақида жуда кўп халқларда эртақлар яратилган. Хусусий мулкчилик, очлик, қашшоқлик, эксплуатация ҳукм сурган даврда етимликдан ҳам оғир ҳаётни, хўрликни тасаввур қилиш қийин эди. Айниқса, бу борада барча ҳақорат ва хўрликлар эртақларда “Ўғай она” сиймосида мужассам этиб берилади. Бу жиҳатдан қорақалпоқ фольклорида машҳур бўлган “Жетим қиз”<sup>1</sup>, ўзбеклар орасида кенг ёйилган “Ўғай қиз”<sup>2</sup> эртақлари характерлидир. Бу эртақлар ягона сюжет асосига қурилган бўлиб, ўзбекчада қуйидагича мазмунга эга: “Қадим замонда бир эр-хотин яшаб, уларнинг бир қизи бўлади. Қизнинг онаси ногоҳонда сариқ сувдан хатлаб, сариқ сигирга айланиб қолади. Қизнинг отаси бошқа аёлга уйланишга мажбур бўлади. Унинг иккинчи хотинидан ҳам бир қиз туғилади. Ўғай она катта қизга ўз зуғумини ўтказа бошлайди. Унга ҳам сигир боқишни буюради, ҳам бир сават пахта калавалашни топширади. Қизга раҳми келган сариқ сигир унга ёрдам беради. Қиз пахтани унга едиради ва елинидан калавани тортиб олади. Сигирнинг қизга ёрдам бериб юрганини сезган ўғай она бу сигирни йўқотиш пайига тушади, ўзини касалликка солади ва эрига шу сигир гўштини еса тузалажагини айтади. Сигир сўйилишидан олдин қизга, менинг гўштимни сен ема, улар, егач, суягимни қопга солиб, яшириб қўй деб, топширади. Қиз бу ишни бажаради.

Ўғай она эса қизга азоб беришда давом этади. Бир куни бир бой тўй беради. Ўғай она қизини олиб тўйга кетади. Етим қизнинг олдида эса тариқ билан аралашган бир қоп гуручни тўкиб, унинг тариқини тариққа, гуручини гуручга ажратишни топширади. Етим қиз не қиларини билмай, йиғлаб ўтирганда бирдан бир гала чумчуқлар учиб келиб, қопдаги гуручни гуручга, тариқни тариққа ажратиб кетишади. Бундан хурсанд бўлган қиз, тўйга бормокчи бўлади. Шу пайтда сигирнинг суяги солинган қоп эсига тушади. Уни очиб қараса, қоп қимматбаҳо кийим-кечақларга тўла ҳолда турган бўлади. Қиз уларни кийиб тўйга боради. Тўйда уни тўрга ўтказиб, кўп сийлашади. Етим қиз ўғай онаси ва синглисига ҳам ўзини билдирмасдан илтифот кўрсатади, уларни овқатликлар билан сийлайди. Тўй тугагач, у уйига шошилади ва йўлда бир ковушини тушириб қолдиради. Уйига келиб, кийимларини яшириб ўтиради.

Маликалардек кийинган етим қизни ўша тўйда подшо кўриб, ошиқ бўлиб қолади ва уни топишни буюради. Қизни излаб юрган кайвонилар унинг ковушини топиб оладилар ҳамда бу ковушни барча қизларнинг оёғига кийдириб чиқишади. Ковуш ҳеч кимнинг оёғига мос келмайди. Ниҳоят ўғай онанинг қизи ва етим қизга навбат келади. Ўғай она етим қизни тандирга яшириб қўяди. Ковуш ўғай онанинг қизининг оёғига мос келмай, подшо одамлари қайтиб кетаётганларида тандирнинг устида бир хўроз ҳадеб “ку-ку”лайверади. Кайвонилар бунга қизиқиб, тандирнинг ичига қарасалар, бир қиз ётган бўлади, ковушни унинг оёғига кийдирганда, жуда ҳам мос келади. Шу тариқа бу қизни подшо ўзига хотинликка олади ва қиз мурод-мақсадига етади”.

Қорақалпоқ варианты ҳам ушбу сюжет асосига қурилган бўлса-да, унда айрим фарқларга эга бўлган эпизодлар ҳам кўзга ташланади. Бу вариантда етим қизнинг онасининг сариқ сувдан хатлаб, сариқ сигирга айланиши эпизоди йўқ, балки унда қизнинг онаси вафот этади ва қиз отаси ҳамда кўк сигири билан қолади. Отаси бошқа аёлга уйлангач, воқеалар худди ўзбекча эртақдагидек давом этади. Тариқ билан гуручни бир-

<sup>1</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, I-том, “Қарақалпоқистон” нашриёти, Нукус, 1977, 246-бет.  
<sup>2</sup> ЎзССР ФА ТАИ фольклор бўлими архиви, инв. №1636, II жилд, 187-бет.



биридан ажратиш эпизоди қорақалпоқ вариантыда ҳам бор. Лекин бу ерда у қизил тариқ билан оқ тариқни бир-биридан ажратади, гуруч ҳақида эса сўз юритилмайди. Бу масала қорақалпоқлар ҳаётида ўша даврларда гуручга қараганда тариқнинг анча машхур эканлиги билан изоҳланса керак. Шунингдек, бу эпизодда ўзбекча вариантда қизга чумчуқлар ёрдамга келади, қорақалпоқчада эса унга товуклар ёрдамга келади.

Бундан ташқари, қорақалпоқча вариантда ўзбек вариантыда бўлмаган яна бир эпизод ҳам бор. Бу эпизодда ўғай она унга ўн бешта тухум бериб, уни товук остига солиш ва бир кечада тухумлардан жўжа чиқаришни буюради. Бу ишни амалга оширишда унинг ёнига бир кампир ёрдамга келади. Бу шарт ҳам амалга ошади. Ушбу эпизоддан кейин тўй эпизоди бошланади. Бу ердаги тасвир ўзбекча вариантдагидан фарқ қилмайди. Бироқ шуниси қизиқки, қорақалпоқча вариантда эртақ финали бутунлай бошқача тарзда яқунланади. Ўша тўй тамом бўлгандан кейин, шу элнинг подшоси вафот этади. Унинг ўрнига қўйишга одам танлаб юрган вақтда ҳалиги етим қизнинг тушириб қолдирган ковуши қўлга тушиб қолади. Бу ковушни вазирга келтириб беришади. Вазир эса бу ковуш эгасини топишни, у қиз албатта, гўзал ва ақлли бўлишини айтади. Вазирнинг юборган одамлари қизни излай-излай, ўғай онанинг уйига келадилар. Ўғай онанинг қизни тандир ичига яшириб, қўйиши, уни қизил товукнинг “қу-қу”лаб билдириши (ўзбекча вариантда хўроз) бу вариантда ҳам бор.

Шундай қилиб, вазирнинг кишилари бу ковушни қизнинг оёғига кийдирганларида, унга жуда мос келади. Натижада уни олиб кетиб, ўша элга подшо қилиб кўтаришади, у ўз элига одиллик билан подшолик қилади.

Ушбу қиёсдан кўринадики, ягона мазмунни ҳар бир халқ ўз нуқтаи назаридан талқин қилади. Образ яратишда турли масалаларга мурожаат қилади. Ўғай онанинг раҳмсизлигини, золимлигини бўртириб кўрсатиш учун эртақка бир кечада жўжа очириш эпизоди ҳам қўшилади. Шуниси характерлики, ўзбекча вариантда халқ асар қаҳрамонини мурод-мақсадига

етказиш билан кифояланади. Қорақалпоқча вариантда эса эртақчи, бутун бир халқнинг тақдири ҳақида қайғуриб, етим қизни подшо даражасига кўтаради, унинг қиёфасида одил ва халқпарвар ҳукмдорни кўради, барча халқни мурод-мақсадига етказиб, эртақни яқунлайди, золим хон ва беклар зулмидан эзилган халқ ушбу эртақда ҳам адолатли подшо ҳақидаги орзусини яна бир бор таъкидлаб ўтади.

Ўзбекча вариантда сеҳр-жоду кўпроқ бўртиб туради. Ундаги сариқ сувдан ҳатлаш, сариқ сигирга айланиб қолиш эпизодлари борки, бу эпизоднинг замини жуда қадимга бориб тақалади. Унда сариқ сув, сариқ сигир, қизил хўроз каби рангларга урғу бериш хусусияти бор. Бу хусусият халқнинг энг қадимги урф-одатлари билан боғлиқ бўлса керак. Бу урф-одатлардан баъзилари Хоразм ўзбеклари орасида ҳалигача бор. Масалан, сариқ касали билан оғриган кишиларга сариқ товукнинг гўштини едириш, руҳий касалликларга чалинган кишиларга қора қўйнинг гўштини едириш, кўк отнинг туёғидан парча кесиб, тумор қилиб тақиш ва бошқа шу каби ранглар билан боғлиқ урф-одатлар шулар жумласидандир. Кўк сигир, қизил ва оқ товук каби рангларга урғу бериш қорақалпоқ вариантыда ҳам учрайдики, бу масалага аниқлик киритиш махсус тадқиқотни талаб қилади.

Эртақларнинг аксариятини ҳайвонлар билан бўлган, улар иштирок этган воқеалар ташкил этади. Бу хусусият жуда кўпчилик халқларнинг ижодига тааллуқли бўлиб, мазкур эртақлар асосан бир хил мазмун асосида тарқалади, лекин ундаги иштирок этувчи ҳайвонларнинг тури ҳар бир халқ фольклорида шу халқнинг турмуш шароитига мос ҳолда танланади.

Ўзбек халқи орасида очкўзлик рамзи бўлган йиртқич-бўри ҳақида кўплаб эртақлар тўқилган. Шундай эртақлардан бири “Оч бўри”<sup>3</sup> эртагидир. Эртақда ҳикоя қилинишича, бир оч бўри хўрозга дуч келиб, уни ушлаб олади ва емоқчи бўлади. Унинг қўлидан қутилиш иложини топа олмаган хўроз бўрини алдаб

<sup>3</sup> “Ойжамол” (ҳаётий эртақлар) Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент.: 1969, 262-бет.

пиёз ва кашнич олиб келиш учун қишлоққа юборади. Бўри қайтиб келгунча жуфтакни ростлайди. Хўрозни топа олмай доғда юрган бўри шу пайтда бир кўзига дуч келиб қолади. Кўзи эса бўрини туз олиб келишга жўнатиб, кутилиб қолади. Кўздан ҳам алданган бўри отга йўлиқиб қолади. От ҳам ундан ҳийла ишлатиб кутилмоқчи бўлади. Туёғига отаси хат ёзиб қолдирган эканлигини, ўша хат бўрига тегишли эканини айтади ва шу хатни ўқигач, мени есанг майлига деб, розилик билдиради. Бўри хатни ўқимоқчи бўлиб отнинг орқасига ўтганда, от уни шундай бошлаб тепадик, у ҳушини йўқотиб йиқилиб қолади. От эса қочиб кутилади. Анчадан кейин ҳушига келган бўри алданганига иқрор бўлиб, ўз-ўзига шундай дейди: “Кўрдинги, хўроз, сенга ким қўйибди кашничу пиёз, кўрдинги, кўзини, сенга ким қўйибди коннинг тузини, кўрдинги, от, еб ёнида ёт, хат билмасанг, кетига ўтиб мирза бўлишинг уят”. Шундай қилиб, бўри ўлиб қолади.

Қорақалпоқ халқи орасида ҳам худди шу мазмундаги эртакни учратиш мумкин. Бу эртак “Аш қасқыр”<sup>4</sup> деб номланади. Бўри ўзбекча вариантда хўроз, кўзи ва отдан алданган бўлса, қорақалпоқчада эчки, қўй ва отдан алданади. Ушбу вариантда бўрининг алданиш эпизодлари ҳам бошқача берилади. Бу ерда пиёз, кашнич, туз каби нарсалар алдаш воситаси сифатида келтирилмайди. Бу эпизод ҳар бир халқнинг турмуши, шуғулланадиган машғулотларининг моҳияти билан узвий равишда боғлиқдир.

Қорақалпоқча вариантда қашқир эчкини тутиб емоқчи бўлар экан, эчки ундан кутилиш учун уни алдамайди, балки мен кўчувчиларнинг йўлбошчисиман, мени есанг, улар сени ўлдиришади, деб кўрқитади. Қўй эса, мен хоннинг дарвозаси олдида ўйин кўрсатаман, мени есанг, хон сени йўқ қилади, деб қашқирни кўрқитади. Охирида қашқир ўзбекча вариантдаги каби от билан дуч келади. Бу ерда ҳам хат билан боғлиқ деталь бор. Лекин у сал ўзгача тарзда берилади. Ўзбекчада хат отнинг туёғига ёзилган, деб берилса, қорақалпоқчада ёзилган хат отнинг орқасидан тушади. Қашқирнинг (ўзбекчада бўрининг)

<sup>4</sup> “Қарақалпақ фольклори”, II –том, “Қарақалпақстан” Нукус -1977, 226-бет.  
30

жазоланиши эса икки вариантда ҳам бир тарзда берилади. У отнинг тепкисидан ҳалок бўлади.

Ҳар иккала эртакнинг охирида ҳам шеърий парча келтирилган. Бу шеърий парча қорақалпоқ вариантыда анча кенгроқ берилган. Ҳар бир ҳайвон билан учрашув эпизоди учун битта шеърий банд келтирилган.

Ушбу мазмундаги эртак туркман фольклорида ҳам бор. Бу эртак “Алданан мөжек”<sup>5</sup> деб юритилади. Туркманчада бу эртак бир мунча кенгроқ берилган. Унда кўзи, эчки, қўй ва от қатнашади. Аввало уни кўзи мурч ва тузга юбориб алдайди. Эчки эса яна иккита эчкини эргаштириб келаман деб алдайди, қўй эса унга югуриб, сакраб ўйин кўрсатаман, деб қочиб кетади. От билан учрашув эпизоди ҳар учала эртакда ҳам бир-бирига жуда яқин тасвирланади. Туркманчада вариантда ҳам хат масаласи бор. У хат отнинг орқа оёғининг туёғига қистирилиб турганлиги айтилади. Бу эртакда ҳам мөжек от тепкисининг зарбидан ҳалок бўлади. Эртак ниҳояси эса туркманча вариантда ҳам шеърий парча билан тамомланади. Эртакнинг туркман варианты мурч, пиёз эпизодининг берилиши билан ўзбекча вариантга яқинлашса, қўйнинг ўйин кўрсатиш эпизоди билан қорақалпоқча вариантга ўхшаш келади.

Эртак охиридаги шеърий парча ўзбекчада жуда қисқартирилиб, саъж шаклига келтирилган. Туркман ва қорақалпоқ вариантларида эса тугал шеърий парча сифатида берилган. Шеърий парчалар учала вариантда ҳам бир-бирига ўхшаш келади. Айниқса, барча вариантларда қатнашадиган от ҳақидаги шеърий парча бунга мисол бўла олади:

Ўзбекчада: “Кўрдинги от, еб ёнида ёт, хат билмасанг, кетига ўтиб, мирза бўлишинг уят”

**Қорақалпоқчада:**

*Оннан соң келди ат,*

*Атты жеде жанында жат.*

*Неге керек маган ол хат?*

*Оқып қазы болажақ на едим?!*

<sup>5</sup> “Туркмен халқ эртеклери”, I “Бўлим”, Ашхабад 1978, 144-бет.  
31

### Туркманчада:

*Гөрдүң-э бир ат,  
Этини ий-де, яныңда ят,  
Молламыдың, муфтумидиң,  
Нэ жанына герек хат?  
Эй, вай, гөзүм, вай гөзүм,  
Ылайта-да чеп гөзүм.*

Эртактаги асосий образ уч вариантда уч хил бўри, қасқыр, мөжек каби турли номлар билан берилишидан қатъий назар, у эртақ ниҳоясида ҳалок бўлади. Бу образ ёвуз кучлар тимсоли сифатида берилади. Қолган ҳайвонлар эса куч-қудратда бу йиртқичдан анча паст даражада бўлсалар-да, ақл-фаросатда ундан жуда ҳам катта устунликларга эгадирлар. Шу боисдан ҳам улар бу ёвуз йиртқич устидан ғалаба қозонадилар. Эртактаги масаланинг моҳияти ҳам ана шундан келиб чиқади.

Асардаги қатнашувчи ҳайвонларнинг ҳар учала халқ вариантыда бир-бирига асосан ўхшаш келиши, эртақнинг шеърӣ парча билан тугалланиши, ундаги образлар тақдирининг муштараклиги бу эртақнинг илдизи бир эканлигини тасдиқлайди.

Эртақлар ҳам бир халқ ижодидан иккинчисига ўтганида бошқа жанрлардагидек албатта, ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлардан шу нарсани кузатиш мумкинки, эртақларда ўзгариши мумкин бўлган эпизодлар бор, шу билан бирга ўзгариши мумкин бўлмаган эпизодлар ҳам бўлади. Жумладан, “Оч бўри” эртагида бўрининг отга йўликкунча бўлган саргузаштларида иштирок этадиган ҳайвонлар ва уларнинг бажарадиган ишлари ҳар бир халқ ижодида турмуш тарзига боғлиқ ҳолда ўзига хос ўзгаришларга учраган. Чунки бу эпизодларнинг ўзгартирилиши, яъни улардаги хўрознинг қўйга, кўзининг эчкига айлангириб берилиши ёки уларнинг ўзбек вариантыдаги хийла ишлатиш лавҳасининг қорақалпоқчада кўрқитиш лавҳаси билан алмаштирилиши асарнинг умумий мазмунига ва ундан келиб чиқадиган ғояга путур етказмайди. Эртақ финалидаги от билан бўлган воқеа эса учала вариантда ҳам ўзгаришсиз ҳолда берилади. Негаки, бу

эпизод эртақнинг бутун мазмунига якун ясайди. Мазмундан келиб чиқадиган ғояни очиб беришда асосий калит вазифасини бажаради. Отни бошқа бир ҳайвон билан алмаштириш қийин, Чунки, шу ҳайвон бўрини ўлдириши лозим. Ўлдириганда ҳам тепиб ўлдириши керак, шу боисдан албатта хат ҳақидаги лавҳасини ҳам тушириб қолдириш мумкин эмас.

От образи ҳақида гап кетганда, масаланинг иккинчи томонини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. От халқ ижодида ҳамиша ижобий образ сифатида гавдалантирилади. Эртакта халқ ёвузлик тимсоли бўлган бўрини ҳалок қилар экан, уни ўлдиришда асосий ҳалоскор куч сифатида отни танлайди.

Шундай қилиб, эртактаги барча масалалар маълум ўзгаришларга учраган бўлса-да, унинг ғояси барча вариантларда айнан сақланиб қолган.

Бир халқ ижодидан иккинчи халқ ижодига ўтган эртақ баъзи ҳолларда кескин ўзгаришларга ҳам учрайди. Унда фақат ўзгармасдан айрим лавҳаларгина қолдирилади, холос. Ҳатто асардаги қаҳрамонларгача тўла равишда алмаштирилади.

Ўзбек эртақлари орасида “Мулла Назар” деган юмористик эртақ бўлиб, у айниқса, Хоразм ўзбеклари орасида жуда машҳурдир. Унинг мазмуни қуйидагича: “Хоразм деган элда Мулла Назар деган бир одам яшаб, у ўлғудай кўрқоқ экан. Ҳатто у оддий шоғолдан ҳам кўрқиб, кечаси уйдан чиқмас экан. Кунлардан бир кун хотинининг зуғуми билан ов-овлашга чиқади. Дастлаб устага йўлиқиб, ёғочдан милтиқ ясатиб олиб, унинг қўндоғига шундай хат ёздирди:

*Менинг отим Мулла Назар,*

*Бир юмруқда қирқ девни эзар.*

Мулла Назар милтиқни олиб, овга кетса ҳам ўрмонга киришга кўрқиб, унинг бир чеккасида ухлаб-ухлаб қайтиб келар экан. Бир куни у ухлаб ётганида теварагини қирқ дев ўраб олади. Девлар милтиқдаги ёзувни ўқиб, ваҳимага тушишади. Бир маҳал Мулла Назар уйғониб, девларга кўзи тушиб, жон-пони чиқиб кетади. Лекин, сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, уларга дўк уради. Девлар унинг дўқидан кўрқиб, Мулла Назарга улар билан дўст бўлиб, бирга яшашни



илтимос қилишади. Шу воқеадан кейин Мулла Назар қирк девга иш буюриб, уларни ишлатиб, ҳаёт кечира бошлайди. Баъзан ҳийла ишлатиб, девларни ҳайратга солиб ҳам туради. Жумладан, милтиқни олиб кетиб, уришиб-уришиб ўлиб қолган иккита қўчқорнинг жасади устидан чикиб, уларни отиб ўлдирадим, деб гердаяди. Кўзанинг пастини тешиб қўйиб, унга сувни қуявериб, дарёнинг сувини биратўла кўзага солиб кетмоқчиман, деб девларни яна бир бор қойил қолдиради. Охирида у девларнинг мол-мулкининг тенг ярмини бўлиб олиб, хотини билан бахтли ҳаёт кечира бошлайди. Ўша пайтда девларга шоғол дуч келиб қолади. Девлар унга Мулла Назар ҳақида гапириб берганларида шоғол қаҳ-қаҳ уриб кулади. Шоғол девларга айтадики: “Мулла Назар кичкинагина ҳайвон бўлган мендан қўрқиб, кечаси ташқарига чиқмайди, сизлар қирк дев бўлиб ундан қўрқиб ўтирибсизларми? Юринг, мен сизларга унинг қўрқоқлигини исбот қиламан”, деб девларни эргаштириб, Мулла Назарнинг ҳузурига олиб келади. Ўша пайтда Мулла Назар яна бир бор ҳийла ишлатади. Шоғолга қараб: “Эй шоғол, сенинг бобонгнинг мендан икки дев қарзи бор эди, буларни ўшанга олиб келаяпсанми?” деб қичқиради. Бу сўздан жон-пони чиққан девлар, шоғол бизларни алдаб, қарзини узмоқчи экан, деб ўйлаб, уни тилка-пора қилиб, ура қочишади. Бу воқеадан кейин Мулла Назар осойишта ҳаёт кечира бошлайди”<sup>6</sup>.

Эртак мазмунидан кўринадики, ақлни ишлатиш, уддабуронлик қўрқоқликни енгади, деган ғоя жуда таъсирчан ситуациялар қамровида, юмористик тарзда ифодалаб берилади.

Ушбу эртакка ўз мазмуни билан ўхшаш келадиган эртак қорақалпоқ фольклорига ҳам мавжуддир. Бироқ бу эртак ўзбекчадаги вариантда юқоридаги қиёслаган эртакларимиз даражасида яқин келмайди. Ундаги персонажлар ҳам воқеалар ҳам ўзгартирилган. Фақат асарнинг ғояси ва эртак финалидаги эпизодгина бу асарларни бир-бирига яқинлаштиради.

Ушбу эртак қорақалпоқчада “Сум ешек пенен анқаў туйе”<sup>7</sup> деб номланади. Эртакда асосан ҳайвонлар иштирок қилишади. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: “Бир кишининг бир туяси ва бир эшаги бўлиб, бу ҳайвонлар ишдан жуда ҳам бешишади. Бир куни юк тортиб келишаётганда, эшак туяга йўлда ётиб олишни, қанча савалашса ҳам турмасликни маслаҳат беради. Шу маслаҳат билан улар ётиб олишади, эгаси уларни савалаб бошлаганда туя таёкка чидамай ўрнидан туради. Эшак эса чидаб, ётаверади. Уларнинг эгаси туяни олиб, эшакни ташлаб жўнаб қолади.

Бу воқеадан кейин эшакнинг саргузашти бошланади. У эркин ўзи қолгач, дастлаб йўлбарсга дуч келади. Эшак уни қаттиқ ҳанграб қўрқитади ва ўзини йўлбарсга энгсали ботирман, деб таништиради. Йўлбарс эшакдан қўрқиб қочиб қолади ва шу боришда қашқирга дуч келади.

Эртакнинг шу жойи ўзбекча вариант билан ўхшаш келади.

Қашқир, йўлбарсдан воқеани эшитиб, кулади ва: “Шу эшакдан қўрқасанми? Юр, мен уни боплаб қўяман”, деб йўлбарсни эргаштириб эшак ҳузурига келади. Шунда эшак қашқирга қараб: “Ушбу йўлбарсни ота-бобонгнинг мендан олган қарзи эвазига олиб келаятибсанми?” деб қичқиради. Бу сўзни эшитган йўлбарс қашқирни ҳам судраб, қочиб қолади!

Эртакни шу билан тугаши ҳам мумкин эди. Бироқ унга яна бир эпизод қўшилган. Йўлбарсга ўралашиб кетган қашқир яна қайтиб эшакнинг олдида келади. Эшак эса уни устига миндириб, ҳунар кўрсатаман, деб одамлар гавжум жойга олиб боради. Одамлардан қўрққан қашқир эса бир зумда қочиб кетади.

Иккала эртак қиёсидан англашиладики, ўзбекча вариантда фантастика кучли бўлиб, анча қадимийликка ҳам эга. Унда девларнинг иштирок қилиши, уларнинг ғайри табиий ишларни бажариши каби эпизодлар қорақалпоқча вариантда берилмайди. Қорақалпоқча вариантда кўпроқ чўл ҳаёти бўртиб туради. Шу сабабдан унга йўлбарс, туя, эшак каби ҳайвонлар образи киритилган. Ҳатто бош қахрамон ҳам ҳайвонлардан

<sup>6</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, II том, “Қарақалпоқстан”, Нукус 1977, 217-бет.

<sup>6</sup> ЎзССР ФА ТАИ фольклор бўлими архиви, инв. №1636, II жилд, 183-бет.



танланиб, эртак батамом ҳайвонлар ҳақидаги туркумга ўтиб кетган.

Мазкур эртакнинг туркман варианты ҳам бор бўлиб, у туркман халқи орасида “Төркажык батыр”<sup>8</sup> номи билан машҳурдир. Бу эртак кўп томонлари билан қорақалпоқча вариантга қараганда ўзбекчага яқин туради. Туркманчада ҳам ўзбекчада ҳам кўрқоқ ботир (ўзбекчада Мулла Назар) асосий қаҳрамон сифатида талқин қилинади ва туркман вариантыда ҳам у девлар билан муомалада бўлади, уларни ҳийла билан кўрқитади. Ўзбекчада девларни шоғол етаклаб келса, туркманчада бу вазифани тулки бажаради. Бироқ бош қаҳрамоннинг эртак финалидаги “Девларни қарзинг бадалига олиб келдингми?” деган саволига қадар бўлган воқеалар туркман вариантыда бутунлай бошқача берилади. Жумладан, Кўрқоқ ботир, уйдан адашиб чиқиб кетади. Бир жойда кўрқоқ писа дам олиб ўтирганида юзига чивинлар қўниб беозор қилади. У чивинларни куваман деб бир урганида анчагина чивин думалаб тушади. Санаса қирқта экан. Шунда у чивинларни йўлбарс бўлса керак деб ўйлаб, севиниб кетади ва шу ердаги бир тошга “Бир урганда қирқ йўлбарсни ўлдирдим” деб ёзиб, энди ўзини анча ботир ҳис қилиб йўлга равона бўлади. Йўлда бораётиб, битта эшакнинг ўлигига йўлиқади. Уни қуйруғидан тортса, узилиб чиқади. Бундан кўрқоқ ботир янада хурсанд бўлади, қуйруқни белига қистириб яна бораётирса, олдидан тухум босиб ётган тустовуқ чиқади. Уни ҳам тухуми билан бирга қўлтиғига қистириб йўлида давом этади. Йўлда унинг олдидан тошбақа чиқиб қолади. Кўрқоқ ботир уни ҳам қўлтиғига уриб яна йўлга тушади. Шу боришида девлар маконига дуч келади. Девлар ундан кимлигини сўраганларида ўзини, “Қирқ йўлбарсни бир урганда ўлдирган” ботирман, деб таништиради. Девлар сен ботир бўлсанг, бизнинг биттамызни кўтариб кўр, дейишади. Шунда Кўрқоқ ботир уларни менсимагандай қилиб, сизларни ҳатто менинг битим (паразит) ҳам кўтаради, деб қўлтиғидан тошбакани чиқариб юборади. Бундан ҳангу манг бўлган девлар, тошбақага

миниб кўрадилар, тошбақа эса уларни кўтаради. Шунда девлар бурганни ҳам кўрсат, деб сўрайдилар. Кўрқоқ ботир мана бурган дея қўлтиғидан тустовуқни чиқаради, тустовуқ (сулгун) париллаб учиб кетади. Шундан сўнг девлар унга тошни қисмлаганда сувини чиқаришни шарт қилиб қўядилар ва ўзлари амалда бу шартни бажариб кўрсатадилар. Кўрқоқ ботир эса қўлтиғидаги тухумни қисиб, сувини чиқариб, девларни яна қойил қолдиради. Бу шартлар бажарилгандан кейин девлар унга таслим бўладилар, бойликларининг ярмини бериб, уни уйига кузатиб қўядилар.

Бу эпизодлардан кейин девларга тулки йўлиқиб, уларни Кўрқоқ ботир ҳузурига бошлаб келади ва эртак ўзбек ва қорақалпоқчадаги якуний лавҳа билан айнан бир хил тарзда тамом бўлади.

Эртак мазмунидан кўринадикки, туркманча вариантдаги бош қаҳрамоннинг инсонлардан олинishi, унинг ботирлиги ҳақида тошга ёзилган ёзув, (ўзбекчада милтиққа ёзилган ёзув), девларнинг иштироки ва уларнинг бош қаҳрамон томонидан ҳийла билан лақиллатилиши, девлар бойлигининг иккига тақсимланиши каби эпизодлар унинг кўп жиҳатдан ўзбек вариантыга яқинлаштиради. Шу билан бирга тошбақа, тустовуқ ва тухум билан боғлиқ бўлган эпизодлар, Кўрқоқ ботирнинг адашиши, чивинларни уриб ўлдириши ва бу “катта” ишидан фахрланиши каби воқеалар унинг ўзига хос бўлган алоҳида мустақил асар эканлигини ҳам тўла равишда белгилаб бера олади.

Ўзбекча ва туркманча вариантдаги образлар тизими, шунингдек, аксарият эпизодлардаги кўзга ташланадиган умумийликлар мазкур эртакнинг ушбу халқлар орасидаги яшаб келиш тарихи қадимийроқ эканлигини тасдиқлайди. Буни халқлар тарихига назар солганда ҳам англаб олиш қийин эмас. Ўзбек ва туркман халқларининг Хоразм воҳасидаги бирга яшаб келишлари қадимий илдизга эга эканлиги ўз-ўзидан маълум. Қорақалпоқ халқининг воҳага кириб ўрнашиши эса маълум даражада кейинги даврларга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ушбу воҳада илгаридан яшаб келаётган фольклор асарларининг

<sup>8</sup> “Туркмен халқ эртекилери”, III том. Ашхабад, «Йўлым», 1980, 82-бет.

қорақалпоқлар орасига ёйилиши сўнгги уч асрлик даврга тўғри келади. Ушбу воҳадаги эртақлар ҳам қорақалпоқлар орасига ёйилар экан, улар мутлақо мустақил асарлар сифатида оригинал хусусиятларга эга бўлган. Таҳлил қилаётганимиз ушбу эртақ ҳам учала халқ орасида тенг тарқалган ягона илдизга эга бўлса-да, ҳар бир халқда ўзгача эпизодлар ҳисобига бойиб, унда ўша халқнинг яшаш муҳити ўзини намойиш қилгани ҳолда бир-биридан анча узоқлашганлиги ҳам кўзга ташланади. Айниқса, қорақалпоқча вариант кўпроқ ўзгаришларга учраган. Унда юқорида таъкидлаганимиздек, саҳро ҳаёти ва унинг ҳайвонот олами ўзини яққол намоеъ қилиб туради. Эртақда илгари суриладиган асосий ғоя сақланган ҳолда, унга мутлақо янги қаҳрамонлар, янги эпизодлар олиб кирилган, янги саргузаштлар қўшилган. Натижада эртақ мутлақо оригинал воқеаларга эга бўлиб, иккинчи бир мустақил асар шаклига кирган. Бу ҳол мазкур халқ ижодкорининг масалага новаторларча муносабатда бўлиб, яратган ўзига хос кашфиётидир.

Учала вариантдаги келтирилган эпизодлар ўзларининг турли-туман бўлишларидан қатъий назар, уларнинг барчаси бир ғоя атрофида бирлашади. Уларда эпчиллик, хушёрлик, чапдастлик, ақллилик ва шу хислатларни ўз ўрнида ишлата билган кишилар фаолияти улуғланади. Душман билан кураш олиб борганда бу хусусиятлардан фойдалана билиш, ундан ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам устун келиш ғоялари илгари сурилади. Бу эса ҳар учала халқ орзу умидининг муштарак томонларини белгилаб беради.

Эртақларнинг ғояси бир бўлиб, ўша ғоянинг турлича воқеалар ёрдамида очиқ берилиши асосан халқ орасидаги эртақчиларнинг таланти, кўз қараши ва савияси билан узвий равишда боғлиқдир.

Қорақалпоқ ва туркман халқ эртақларидаги тасвир воситалари, турли стилистик формулалар, тайёр иборалар, муқаддима ва тугалланмалар ҳам кўп жиҳатдан ўзбек эртақларига хос бўлган хусусиятларга ўхшаш келади.

Ўзбек эртақларида асар қаҳрамонлари таърифланар экан, баъзан унинг “боши олтин, гавдаси қумуш” каби ўхшатишлар билан ифода этилганига дуч келамиз. Баъзан эса дарахтлар тилга олинганда “бир япроғи олтин, бир япроғи қумуш” ибораси ҳам ишлатилади. Ушбу хусусият қорақалпоқ эртақларида ҳам кўплаб учрайди. “Байшынар деген бар, оның бир жапырағы алтыннан, бир жапырағы гумистен”... , ...”басы алтын, қуйрығы гумис бир кийик”<sup>9</sup> ... каби.

Ўзбек эртақларида қаҳрамонлар саргузаштининг бошланиши олдидан кўп ҳолларда уларнинг олдидаги йўл учга айрилади. Бу йўлнинг “борса келмас”ига ҳамиша йигитларнинг кенжаси жўнаб кетади ва асар финалида барча қийинчиликларни енгиб, ғолиб чиқади. Ушбу хусусиятни қорақалпоқ эртақларининг ҳам аксариятида учратиш мумкин: “Бираз хол журген соң жол ушке айырылады. Бир йўл барса келер, екиншиси барса келиў-келмеси гуман, ушиншиси барча келмейтуғын жаман жол екен дейди. Киши баланың еншисине барса келмейтуғын жаман жол туседи”<sup>10</sup>.

Халқ эртақларидаги асосий хусусиятлардан бири ҳам уларда кенжа йигитни бош қаҳрамон даражасига кўтаришдир. Шу сабабдан бўлса керакки, кенжа ботир ҳамиша машаққатли воқеалар гирдобига ташланади ва у ўша гирдобдан ўзининг жасурлиги, чидамлилиги, фаросатлилиги билан омон-эсон қутилиб, ўз бахтини топади, шу билан бирга эл халқига ҳам фаровонлик, осойишталик бахш этади. Эртақлардаги бу усул туркман халқ эртақларида ҳам кенг қўлланилади. “Гаража батырың улы агаларының бири “Гитсе гелере”, бейлекиси: “Телери-гелмези гумана” гидермен болупдырлар. Гаража батыра болса “Гитсе гелмез” галыпдыр”<sup>11</sup>.

Эртақларга хос бўлган анъанавий хусусиятлардан яна бири улардаги сажъ билан бошланадиган муқаддиманинг бўлишидир. Ушбу бошланма эшитувчи ёки ўқувчининг диққатини тезроқ эртақка жалб қилиш ва воқеалар оқимиға олиб киришда катта аҳамиятга эгадир. Бу услуб ҳам ҳар учала

<sup>9</sup> “Қарақалпақ фольклоры”, II том, 53-бет.

<sup>10</sup> Ўша китоб, 169-бет.

<sup>11</sup> “Туркман халқ эртекилери” II том Ашхабад, “Билим”. 1979, 46-бет.

халқда кенг ва рангба-ранг ҳолда ишлатилади: “Бир бар экен, бир жоқ экен. Аш экенде тоқ экен, ала қарға азаншы қара қарға қазаншы экен”<sup>12</sup>.

Туркман эртақларида ҳам бу услуб ўзига хос равонлик билан кўзга ташланади: “Бир бар экен, бир ёк экен, таманының, агзы дар экен, улы хелейне гаргар экен, кичи хелейне саргар экен”<sup>13</sup> кабилар.

Халқ эртақларида анъанавий шакл элементлари сифатида келаётган бу стилистик воситалар эртақларнинг ўзига хос бўлган бадий безаклари бўлиб, воқеаларни тўла қонли, аниқ ва конкрет равишда ифодалашда улар жуда катта роль ўйнайди.

Бу воситалардаги ўзаро яқинлик, бир-бирига ҳамоҳанглик ҳам ушбу халқлар ўртасидаги қадимий маданий-иқтисодий алоқаларнинг ва азалий қардошликнинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Эртақларни қиёслаганда шу нарса кўзга ташланадики, баъзан туркман эртаги билан ўзбек эртаги яқин бўлиб, худди ўша эртақ қорақалпоқчада кўпроқ ўзгаришларга учраганини кўрамиз. Айрим ҳолларда эса ўзбекча вариант билан қорақалпоқча вариант бир-бирига жуда ўхшаш келгани ҳолда айнан шу эртақ вариантыни туркман халқи орасида бутунлай бошқача тарзда ёйилганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкинки, эртақчи ўз репертуаридаги асарни қайси халқ эртақчиси ижодидан олган бўлса, мазкур асар ўша халқнинг орасида оммалашган асарга кўпроқ яқин келади. Шу билан бирга ҳар бир халқ ижодида ўзининг психологик, урф-одати, меҳнати машғулоти, ҳайвонот дунёси ва ҳаёт тарзи албатта ёрқин ифодасини топмасдан қолмайди.

Қайси эртақнинг қайси халқники эканини аниқ белгилаш жуда қийин. Уларнинг ҳозирги даражага келиб етишида ҳар бир халқ эртақчисининг ўзига хос камтарин ижодий ҳиссаси бор. Шу нуқтаи назардан қараганда улар қайси бир халқ

ижодида оммалашган бўлса, ўша халқнинг маданий мероси сифатида тан олиниши зарур.

## ХУЛОСА

Хоразм воҳасида яшовчи ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари ижоди бой ва турлича характерга эга бўлган жанрлар мажмуидан иборат. Улар ҳар бир халқнинг ўз миллий бойлиги бўлиши билан бирга кўпгина умумий хусусиятларга ҳам эгадир. Буни фольклор жанрларини қиёсий-типологик тарзда ўрганиш оидинлаштиради.

Фольклор асарларидаги яқинлик ҳар бир жанрнинг хусусияти билан узвий равишда боғлиқдир. Халқ оғзаки ижодиётининг кичик жанрларининг бир халқдан бошқа бир халқ орасига тез ёйилиши кўпроқ кўзга ташланади. Бу ҳолат кўпроқ мақол ва қўшиқ жанрларида намоён бўлади. Бунинг сабаби шу ердаки, мазкур жанрларни айтиш ёки ижро қилиш махсус тайёргарликни, профессионал ижодкорликни талаб қилмайди. Шу боисдан ушбу жанрларга оид бўлган асарлар ўзбек, қорақалпоқ ва, жумладан, туркман халқлари орасида жуда кенг ёйилган, улар бир халқдан иккинчи халқ орасига ўтиб, сайқаллашиб, янги эпизодлар ҳисобига бойиб, ғоявий баркамоллик касб этиб, ўзининг иккинчи мустақил ҳаётини бошлаган.

Эртақлардаги алоқа ва таъсир масалалари кичик жанрлардагига қараганда қисман бошқачароқ характерга эга.

Эртақлар маълум сюжет, образлар тизимига эга бўлганлигидан, ижрочисидан маълум даражада воқеани идрок қила билиши ва уни қизиқарли қилиб эшитувчига етказа олиш қобилиятини талаб қилади. Шу сабабдан эртақлардаги мазмунни, образларни у ёки бу даражада ифода этилишида ижрочининг таланти ва қобилияти кўпроқ роль ўйнайди. Негаки, қўшиқ кўпроқ тўртликлардан иборат бўлганлиги сабабли уларни иккинчи бир халқ ижрочиси айнан ёдлаб олиши, фақат айрим сўзларни ўзича ўзгартириши мумкин. Эртақларда эса сўзлар эмас, балки эпизодлар, деталлар ўзгаришга учрайди. Бу эса ўз навбатида мазмуннинг, ғоявий,

<sup>12</sup> “Қарақалпоқ фольклори”, II том, 62-бет.

<sup>13</sup> “Туркман халқ эртеклери”, III том, Ашхабад, 1980. 71-бет.



образларнинг ўзгаришига олиб келади. Натижада аксарият ҳолларда эртаклардаги гоё ҳар бир халқ ижодида айнан сақлаб қолинади, ундаги образлар, воқеалар эса қисман, баъзан бутунлай янги эпизодлар ҳисобига ўзгартирилади. Уларнинг қай даража ўзгартирилиши эса ҳар бир халқ орасида ёйилган эртакнинг ижрочиси талантига чамбарчас боғлиқ бўлади.

### ХОРАЗМ ВОҲАСИ ХАЛҚЛАРИ ФОЛЬКЛОРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Фольклор асарлари халқ тафаккурининг бебаҳо неъматларидир. Халқ ижодиёти яратилар экан, у албатта, бошқа халқлар фольклори билан алоқага киришади. Бир-бирини бойитади. Ўзаро адабий таъсир юзага келади.

Нилуфар Матязованинг *“Туркий халқлар фольклорини қиёсий ўрганиш усуллари”* рисолаи ана шу муҳим масаланинг моҳиятини ёритишга бағишланганлиги билан долзарблик касб этади. Дастлаб услубий қўлланмада мақол жанрининг типологик қирралари ёритилади, уларнинг адекват ва синонимик турлари таҳлил этилиб, ҳар бир халқнинг хусусий мақолларига ҳам эътибор қаратилади. Ўзаро ўхшашликнинг асосий сабаблари ёритилади. Мақол жанрининг бошқа жанрларга қараганда оммавийлиги бой мисоллар воситасида далилланади. Ҳар бир халқнинг турмуш тарзи билан алоқадор мақолларнинг пайдо бўлиш жараёнларига тавсиф берилади. Шу аснода уларнинг этнографик хусусиятларига ҳам аҳамият қаратилади.

Халқ қўшиқлари ҳам омма орасидаги фаоллиги билан мақолларга яқин туради. Шу сабабли Хоразм воҳасида яшовчи халқлар фольклорида бир-бирига ўхшаш қўшиқлар кўплаб учрайди. Тадқиқотда тарихий, лирик ва болалар фольклорига оид қўшиқлар таҳлилга тортилган. Қўшиқларнинг асосий ижодкорлари ва ижрочилари аёллар эканлиги тўғри таъкидлаб ўтилган. Ишда шундай қўшиқлар таҳлил этилганки, уларнинг бири иккинчисининг таржимасидай тасаввур уйғотади. Шундан сезиладики, ушбу қўшиқларда типологик хусусиятлар эмас, балки ўзаро таъсир масаласи биринчи ўринда туради.

“Сўлдим армонли” қўшиғининг таҳлили бунга мисол бўла олади. Ушбу қўшиқ бирор индивидуал шахс томонидан яратилиб, учала халқ орасида деярлик ўзгаришсиз тарқалган. Ўзгаришлар эса вариант доирасида бўлиб, кесин таҳрирларни бошдан кечирмаган.

Болалар фольклорига оид намуналар ҳам ўшандай таассурот қолдиради. Бироқ уларда типологик хусусиятлар ҳам ўзини сездиргандай бўлади. Чунки қорақалпоқлар орасида тарқалган “Тулкишек” қўшиғида умумий ўхшашликдан ташқари алоҳидалик, мустақил ижодкорлик устуворлик қилади. Бу эса типологик хусусиятларни намоён қилади. Қўшиқ мустақил яратилиб, типологик ҳамоҳанглик юзага келганлиги англашилади.

Шу ерда бир масалага аниқлик киритиб ўтишга тўғри келади. Кўп ҳолларда ўзаро таъсир билан типологик ҳодисалар аралаштирилади. Ўзаро таъсир яқин ҳудудда яшовчи халқлар фольклори учун муштарак ҳодисадир. Типологик ўхшашлик эса бир-биридан беҳабар ҳолда юзага чиқади. Бу ҳодиса эртаклар мисолида айниқса, ёрқин кўринади. Масалан, ушбу тадқиқотда “Ўғай қиз” ҳақидаги эртак таҳлилга тортилган бўлиб, унинг қирақалпоқ ва туркман вариантлари ҳам келтирилган. Ушбу эртаклар бир ҳудудда яшовчи халқлар ўртасида тарқалганлиги учун уларни адабий таъсир доирасига киритишимиз мумкин.

Лекин эртаклар сюжети масаласида шундай тилсимий ҳодисалар учрайдики, уларнинг моҳиятига етиш ниҳоятда қийин. Масалан, ўша “Ўғай қиз” эртагида учрайдиган образнинг яна бир муқобили олмон халқининг “Етим қиз” (“Золушка”) эртагида мавжуд. У қизнинг ҳам онаси бевақт вафот этади. Аммо қизи билан мазорда ётган ҳолда маслаҳатлашиб туради, унга ҳомийлик қилади. Биз таҳлил қилган учала халқ вариантыда ҳам учрайдиган тарик билан аралашган гуруч, оқ тарикқа аралашган қизил тарик мотивлари бу эртакда ҳам бор. Фақат олмон эртагида тарик кулга аралаштирилган ҳолда тасвирланади. Уларни бир-биридан ажратиб олишда ўғай қизга каптарлар ёрдам беради.

Ўзбек ва қорақалпоқ эртақларидаги “йўлда тушиб қолган ковуш” мотиви ҳам олмон эртагида сал ўзгариш билан намоён бўлади<sup>1</sup>. Албатта, эртақдаги маконда миллийлик кучли, воқеалар шоҳ саройларида ўтади. Дарахтлар, ўсимликлар Европа муҳити билан узвий боғлиқ.

Олмон эртагидаги ушбу икки лавҳанинг ўзбек ва қорақалпоқ эртақларидаги кўринишларининг сабабини очиб бериш жуда мураккаб масала. Бу ҳодисани адабий таъсир доирасида тушунтириш ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ҳодисалар адабиётшуносликда типологик лавҳалар сифатида баҳоланади.

Типология – бу ўхшаш ҳодисаларнинг бир хил шароит, бир хил муҳит ва бир хил турмуш тарзи асосида бир-биридан беҳабар ҳолда юзага чиқишидир. Немисларнинг турмуш тарзи, урф-одати бошқача, бироқ ўғай она ва унинг ўғай қизга бўлган муносабати бошқа халқларникидан деярлик фарқ қилмайди.

Натижада ушбу мавзу доирасида типологик – ўхшаш тасаввурлар пайдо бўлади. Қолаверса, дунё бўйлаб тарқалган сайёр сюжетлар ҳам бор бўлиб, бу ҳодиса Аарненинг эртақ сюжетлари таснифида келтирилган. У XX аср бошларида, аниқроғи, 1910 йилда “Указатель сказочных типов” (Эртақ типлари кўрсаткичи) асарини яратди. Кейинчалик уни С.Томпсон тўлдирди ва ривожлантирди.

Хуллас, эртақлар типологияси жуда кенг ва мураккаб тадқиқотдир.

Н.Матязованинг тадқиқотида ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари орасида тарқалган “Оч бўри” эртаги ҳам типологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Эртақ ҳар бир халқ эртақчиси томонидан ижодий қайта ишланган<sup>2</sup>, янги тафсилотлар билан тўлдирилгани, ҳар бир миллатга хос бадиий тил элементларидан самарали фойдаланилгани мисоллар воситасида кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотчининг фикрича, эртақда якунловчи лавҳа уч халқ эртагида ҳам бир хил сақланган. Бунинг сабаби эртақ финалидаги ғоянинг барча халқлар дунёқарашига мос келганлиги билан изоҳланади.

“Мулла Назар” эртагининг таҳлили ҳам ҳар томонлама муваффақиятли чиққан. Эртақ ўз мазмунига кўра қадимий мифологик лавҳаларга жуда бой, унда девлар образига алоҳида урғу берилади.

Инсон билан дев муносабати халқ дostonларида ҳам атрофлича ишланган. Дев кучли, қудратли махлуқ, лекин ақл-фаросатдан маҳрум. Шу сабабли дostonларда у энг оғир вазиятларда инсонга ҳомийлик қилади. Эртақда эса уларнинг образи тор доирада олинганлиги сабабли, асар бош қаҳрамонидан ақл-фаросатда заиф эканлигига асосий урғу берилган.

Тадқиқотчи эртақдаги ўша ғояни тўғри баҳолай олган.

Умуман олиб қараганда, ҳар бир эртақда муайян бир ғоя акс этади, ўша ғоя барча халқлар учун муштарак бўлганлиги сабабли эртақлардаги тафсилотлар турлича бўлса-да, охириги нуқтада бирлашади. Эртақнинг тарбиявий аҳамияти ҳам ана шу ердадир.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, эртақларнинг яратилишини конкрет бир халққа тегишли эканлигини аниқлаш қийин ва унинг аҳамияти ҳам йўқ, чунки эртақлар умумтуркий меросдир. У бадиий тафаккур маҳсули, шу сабабдан ҳам муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам улар бир халқ ижодидан иккинчисига ўтиб, ўз тарбиявий вазифасини адо этади.

Н.Матязованинг тадқиқотида мақол, қўшиқ ва эртақ жанрларининг ўзаро қиёси жараёнида уларнинг бадииятидаги типологик ҳолатларга ҳам эътибор берилган. Мақоллардаги қофия, вазн, тежамкорлик ва фалсафийликнинг барча халқларда ҳам асосий эътиборда эканлиги тўғри қайд қилиб ўтилган.

Халқ қўшиқларидаги параллелизм усули, қофиялашиш тартибидаги умумийликларга хос намуналар яхши таҳлил этилган. Мақол ва қўшиқ жанрларининг бир халқ ижодидан иккинчи халққа кўчишидаги ўзига хосликка ҳам баҳо берилган. Тадқиқотчининг тўғри таъкидлашича, мақол ва қўшиқлар адекват тарзда – сезиларсиз ўзгариш билан фольклордан

<sup>1</sup> Братя Гримм. “Сказки”. – М. “Правда”, 1985. – С. 111-119.





### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. "Истиқболли лойиҳалар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда" // "Халқ сўзи". – Тошкент, 2018. – 23 январь.
2. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ 3080-сонли Қарори.
3. Абдуллаев Ҳ. "Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари". – Тошкент: "Ўқитувчи", 1984 йил.
4. Абдуллаев Х.Дж. "Ўзбекско-каракалпакские фольклорные связи". – Ташкент: "Фан", 1991 йил.
5. Абдуллаев Ҳ. "Эзгуликни куйловчи дoston" // "Шаҳриёри олам" ("Хоразм халқ дostonи"). – Тошкент, 2006 йил. – Б.3-6.
6. Алавия М. "Ўзбек халқ кўшиқлари", Ўздавнашр, Тошкент. 1959 йил.
7. "Бозиргон", "Фан", Тошкент.: 1965 йил.
8. Веселовский А.Н. Историческая поэтика, "Гослитиздат", Ленинград 1940 год.
9. Гарриев С. "Туркмен эдебиятиниң совет гундогари халқлариниң эдебиятлари билен өзара бағланышығиниң тарихындан", "Ылым" Ашхабад. 1967 йил.
10. "Төроғлы", ТДН, Ашхабад. 1958 йил.
11. "Төроғлы", ҚҚМБ, Нукус. 1963 йил.
12. Жалолов Ғ. "Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат", "Фан", Тошкент. 1979 йил.
13. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., "Ўзбекский народный героический эпос", ГИХЛ, Москва. 1947 год.
14. Имомов К. "Ўзбек сатирик эртаклари", "Фан", Тошкент. 1974 йил.
15. Калонтаров Я. "Тожиқ мақоллари ва уларнинг ўзбекча муқоясаси", Душанбе. 1969 йил.
16. Б.Карриев, "Памятники Туркменистана" журналы, 1967 йил, № 3. 27-бет.
17. "Короғлу", Баку, 1959 йил.
18. Курбанбаев Б. "Бердах и узбекская литература", АКД, Ташкент. 1980 год.

19. Мадаев А. "Хорезмские дастаны и их специфические особенности", АКД, Тошкент. 1974 йил.
20. Мақсетов Қ. М. "Қарақалпақ халық қаҳарманлық дастанлариниң поэтикасы", "Фан", Тошкент. 1965 йил.
21. Мақсетов Қ.М. Тажимуратов А. "Қарақалпақ фольклоры", "Қарақалпақстан", Нукус. 1979 йил.
22. Мирзаев Т. "Ўзбек бахшиларининг эпик репертуари", "Фан", Тошкент. 1979 йил.
23. Муродов М. "Гўрўғли" дostonларида Гўрўғли образи", "Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари", Тошкент, 1962 йил.
24. Набиев А. "Озарбайжон – ўзбек фольклор алоқалари", "Ёзувчи", Баку. 1978 йил.
25. Нурмухаммедов М. "Адабиёт ва мафкура", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1977 йил.
26. "Ойжамол", (ҳаётий эртаклар) Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1969 йил.
27. Рўзимбоев С. "Хоразм дostonлари", Тошкент. "Фан", 1985 йил.
28. Саидов М. "Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат масалалари", "Фан", Тошкент. 1969 йил.
29. Сағитов И.Т. "Адабият ҳам даўир", "Қарақалпақстан", Нукус, 1968 йил.
30. Сидельников В.М. "Поэтика русской народной лирики", Москва. 1959 год.
31. "Туркмен халқ эртекилери", I том, "Ылым" Ашхабад. 1978 йил.
32. "Туркмен халқ эртекилери", II том, "Ылым" Ашхабад. 1979 йил.
33. "Туркмен халқ эртекилери", III том, "Ылым" Ашхабад. 1980 йил.
34. "Туркмен накыллары", ТДН, Ашхабад. 1949 йил.
35. "Хоразм халқ кўшиқлари", "Фан", Тошкент. 1965 йил.
36. "Чемен" ("Туркман халқ кўшиқлари") ТДН Ашхабад. 1962 йил.
37. "Шаҳриёр", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1977 йил.
38. "Ўзбек халқ мақоллари", "Фан", Тошкент. 1978 йил.
39. "Қарақалпақ фольклоры", I том, "Қарақалпақстан", Нукус. 1977 йил.
40. "Қарақалпақ фольклоры", II том, "Қарақалпақстан", Нукус. 1977 йил.
41. "Қарақалпақ фольклоры", III том, "Қарақалпақстан", Нукус. 1978 йил.

42. "Қарақалпақ фольклоры", IV том, "Қарақалпақстан", Нукус. 1978 йил.
43. "Қарақалпақ фольклоры", V том, "Қарақалпақстан", Нукус. 1980 йил.
44. "Қарақалпақ халқ легендалары ҳам анекдотлары", ҚҚМБ, Нукус-Самарқанд. 1962 йил.
45. Қажомов А. "Қадимият обидалари", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1972 йил.
46. Қошғарий М. "Девону лугатит турк", I-II томлар ЎзР ҒА нашриёти, Тошкент. 1961-1963 йиллар.
47. Қурамбаев К. "Ўзбек-туркман адабий алоқалари". "Ған", Тошкент. 1978 йил.
48. Қўшжошов М., "Қалб ва қиёфа", Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978 йил.

## МУНДАРИЖА:

|                                                           |    |
|-----------------------------------------------------------|----|
| Кириш.....                                                | 3  |
| Мақолларни қиёсий-типологияк таҳлили.....                 | 5  |
| Халқ кўшиқларидаги умумийлик ва миллий алоҳидаликлар..... | 12 |
| Эртақлардаги ўхшашлик ва ўзига хослик.....                | 24 |
| Хулоса.....                                               | 41 |
| Хоразм воҳаси халқлари фольклорининг қиёсий таҳлили.....  | 42 |
| Адабиётлар рўйхати.....                                   | 47 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ УРГАНЧ  
ФИЛИАЛИ**

**Матязова Нилуфар Сабировна  
ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ФОЛЬКЛОРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ  
УСУЛЛАРИ**

**Матязова Н.С.**  
“Туркий халқлар фольклорини  
қиёсий ўрганиш усуллари”,  
Илмий нашр.

**Мухаррир:** Эрнўлат БАХТ.  
**Мусахҳих:** Қ.ЎРОЗМЕТОВА.  
**Саҳифаловчи:** Ю.ЭРМАТОВ.  
**Техник муҳаррир:** Н.ОТАМУРОДОВА.  
**Рассом:** Зулфия КАРИМОВА

*Гувоҳнома: 841526. Тасдиқнома: 8518. Босишга рухсат қилинди:  
12.04.2021 йил. Бичими: 60x84 1/16. "Times new roman"  
гарнитураси. Ҳажми: 3 босма тобоқ. Адади: 100 нусха. Буюртма:  
№24. Баҳоси: шартномага мувофиқ. Оригинал макет "Zamon  
poligraf" ОК босмахонасида тайёрланди ва чоп қилинди..*

**Нашриёт манзили:**  
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,  
Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.  
Телефонлар: +93 090 41 04.

**Босмахона манзили:**  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
“Бободехқон” маҳалласи, Б.Тиллаев кўчаси, 45-уй.



УЎК : 17.025

Б 49



*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

МАНСУР БЕКМУРОДОВ

**БУНЁДКОР ШАХС  
МАЪНАВИЯТИ  
ВА МЕҲНАТ  
ТАРБИЯСИ**

